

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ



КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНТЕРНЕТ

фани

(маърузалар матнлари тўплами)

ТОШКЕНТ – 2012

Маърузалар матнини тузувчилар: катта ўқитувчилар: А.У. Пулатова,
Г.И. Арипова, З.М. Ибрагимова

Такризчилар:

ЎзДЖТУ «Информатика ва АТ» кафедраси профессори Ш.С.Ахроров.

ЎзДЖТУ «Информатика ва АТ» кафедраси доценти Ф.Д. Бахромов.

Маърузалар матнлари тўплами ЎзДЖТУ Илмий Кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.

Аннотация

Ушбу маърузалар матнлари “Компьютер технологиялари ва интернет” фани бўйича 8 та маъруза матнларини ўз ичига олган. Маърузаларда компьютер технологиялари, Ўзбекистонда ахборот – коммуникацион технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари, операцион тизимлар, Windows XP, Vista ва Seven имкониятлари ва фарқлари, Microsoft Office 2003, 2007 ва 2010 кўриниши ва имкониятлари, интернетга уланиш технологиялари, интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари, интернетда ишлаш дастурлари ва маълумот қидириш усуллари, таълим сайтлари ва уларда ишлаш, масофавий таълим сайтлари, электрон кутубхоналар ва уларда ишлаш усуллари, Ziyonet кутубхонаси, янгиликлар сайтлари, оммавий ахборот сайтлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Маъруза матнлари олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилари ва курсни мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган.

1. КИРИШ

“Компьютер технологиялари ва интернет” фани орқали талабаларга бугунги кун компьютер технологияларининг энг сўнгги ютуқлари, давлатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш соҳасида ёш кадрларга компьютер технологиялари ва интернет соҳаларида эгаллаши бўлган билим ва кўникмалар, кундалик меҳнат жараёнида уларга қўйиладиган талаблар, компьютер ва интернетдан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган техник ва дастурий таъминот кабилар ҳақидаги билимлар берилади. йил мобайнида компьютер технологиялари ва интернет соҳаларида юз берган ўзгаришлар ўргатилади.

**“Компьютер технологиялари ва интернет” фанидан ўтиладиган
маърузалар мавзулар ва уларга ажратилган соатларнинг
тақсимооти:**

	Маъруза мавзулари	Соат
1.	Компьютер технологиялари. Ўзбекистонда ахборот – коммуникацион технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари	2
2.	Операцион тизимлар. Windows XP, Vista ва Seven имкониятлари ва фарқлари	2
3.	Microsoft Office 2003, 2007 ва 2010 кўриниши ва имкониятлари	2
4.	Интернетга уланиш технологиялари. Интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари	2
5.	Интернетда ишлаш дастурлари ва маълумот кидириш усуллари	2
6.	Таълим сайтлари ва уларда ишлаш. Масофавий таълим сайтлари	2
7.	Электрон кутубхоналар ва уларда ишлаш усуллари. Ziyonet кутубхонаси	2
8.	Янгиликлар сайтлари, оммавий ахборот сайтлари. MTRK.UZ, UZA.Uz., R.uz, Gazeta.uz	2
Жами:		16

1–маъруза
Компьютер технологиялари. Ўзбекистонда ахборот –
коммуникацион технологияларини ривожлантириш чора
тадбирлари

Режа:

1. Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш
2. Компьютер технологиялари ва Интернет фанининг мақсад, вазифалари ва аҳамияти.
3. Сўнгги авлод компьютер технологияларининг кўринишлари.
4. Ахборот технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишини белгиловчи омиллар
5. Компьютер технологияларининг жамиятда ва кундалик ҳаётимизда тутган ўрни.
6. Мобил алоқа хизмати.
7. Электрон почта хизмати ва унинг имкониятлари.
8. Электрон тижорат тизимлари.
9. Электрон ҳужжат ва электрон ҳужжат алмашинуви.
10. Ахборот технологияларини ривожлантириш чора тадбирлари.

Таянч атама ва иборалар:

Компьютер технологиялари, ахборот - коммуникацион технологиялари, интернет, мобил алоқа хизмати, электрон почта хизмати, электрон тижорат тизимлари, замонавий ахборот технологиялари, технология, жараён, таянч станциялар, абонентлар, техник воситалар мажмуаси, миждоз, оператор, ноутбук, нетбук, телефон, коммуникатор, планшет, интернет планшетлар, виртуал кўриниш, Bluetooth,, SMS, MMS, Смартфон, мультимедияли смартфонлар, электрон почта, тармок, интернет провайдер, электрон тижорат, ҳужжат, электрон ҳужжат,

дастур, ҳужжат алмашиш тизимлари, ҳукумат портали.

“Компьютер технологиялари ва интернет” фани орқали талабаларга бугунги кун компьютер технологияларининг энг сўнгги ютуқлари, давлатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш соҳасида ёш кадрларга компьютер технологиялари ва интернет соҳаларида эгаллаши бўлган керак бўлган билим ва кўникмалар, кундалик меҳнат жараёнида уларга қўйиладиган талаблар, компьютер ва интернетдан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган техник ва дастурий таъминот кабилар ҳақидаги билимлар берилади. Таъкидлаш керакки, мазкур фан университет талабаларига 1-босқич даврида ўқитиладиган “Информатика” фанининг мантикий давоми бўлиб, унда сўнгги ўтган тўрт йил мобайнида компьютер технологиялари ва интернет соҳаларида юз берган ўзгаришлар ўргатилади. Бунинг самараси сифатида мазкур фан битирувчи талабаларнинг келгусида эгаллашни режалаштираётган янги иш ўринларига осон мослашишларига катта ёрдам беради.

Фан бўйича белгиланган дастурни амалга оширишда талабалар маъруза дарсларида назарий жиҳатдан фанни ўзлаштириб, семинар дарсларда талабаларнинг ўзлари томонидан компьютерда ишлаш ва олган назарий билимларини амалий топшириқлар билан, шунингдек, оғзаки ва ёзма шаклда ифодалаши кўзда тутилган.

Компьютер технологияларини ўқув жараёнида қўллаш нафақат талабалар ўзлаштириш кўрсаткичларининг юқори бўлишини, балки таълим самарадорлигининг ҳам юқори бўлишини кўрсатади. Бундан ташқари ҳозирги кунда олий ўқув юрти ёки касб ҳунар коллежлари битирувчилари юқори малакали ва замон талабларига мос келадиган мутахассис бўлиб етишишлари лозим. Шундай экан ҳар бир мутахассис ўз ихтисослиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши билан бирга ҳозирги кунда барча соҳаларни кенг қамраб олаётган компьютер билан бевосита мулоқат қила оладиган ,

замонавий ахборот технологияларини иш жараёнига татбиқ эта олиш малакасига эга бўлиши керак.

Ахборот коммуникация технологиялари асосида дарс жараёни ташкил этиш ва компьютер технологияларидан фойдаланиш курси тингловчисига кўйилган давлат талаблари:

- таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларини кириб келиши ва истиқбол лойҳалари ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- матн, жадвал, тадқиқот ва график муҳаррирлари ва уларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ўқувчилар билимини аниқлашнинг тест-синов дастурларини компьютерга юклаш ва ишлатишни билиши;
- таълим тизими учун жорий этилган педагогик дастурлар ва электрон дарсликлардан фойдаланиш асосларини билиши уларни дарс жараёнига самарали қўллаш олиш малакасига эга бўлиши;
- компьютерлаштирилган дарс ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

Ушбу курслар барча ўқув фанлари ўқитувчиларини ахборот коммуникация технологиялари асосида дарс жараёнини ташкил этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш методикасига ўргатиш мақсадида ташкил қилинди.

Компьютер - бу турли ҳажмдаги, ҳар хил кўринишдаги ахборотларни тезлик билан ишлаб беришни таъминловчи универсал автоматик қурилмадир.

Ноутбук – мобил ихчам шахсий компьютер. Унинг асосий қисми ва монитори бирлашган ҳолда бўлади. Бундай компьютерларнинг кўпчилиги деярли стандарт клавиатурага, компьютер графикаси воситаларига эга. Бундай компьютерлар унчалик катта бўлмаган қаттиқ дисклар ёки оптик дисклар билан ишлайди.

Нетбук - Интернетдан фойдаланиш ва офис дастурлари билан ишлаш учун мўлжалланган кичик ноутбукдир. Нетбуклар ихчам ўлчамлари, кичик

вазни, кам энергия истеъмоли ва нисбатан арзон нархлари билан ажралиб туради.

Нетбуклар Ноутбукларга нисбатан енгил, ихчам ва фойдаланишда жуда қулайдир. Нетбукларда Ноутбукларга нисбатан айрим ташқи қурилмалар мавжуд бўлмайди, масалан, компакт дискларни ўқиш қурилмаси.



Компьютер ҳозирги кунда ҳисоблашларни бажарибгина қолмай, балки муסיқа ва видео маълумотларни ҳам қайта ишлаш ва намойиш қилиш имкониятига эга.

Компьютерда муסיқа тинглаш учун компьютерга қўшимча карнай (колонка) ёки қулоққа тақиладиган махсус ускуна уланган бўлиши талаб қилинади. Шундан сўнг мусиқаларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастур (Winamp) ёрдамида муסיқа тинглаш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерларда мусиқаларнинг MP3 формати кенг тарқалган.

Компьютерларда видео намойиши унинг экрани орқали амалга оширилади. Бунда видеофильмларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастурлар (Media player) ёрдамида фильмларни компьютер экранида томоша қилиш ва унинг овозини карнайлар орқали эшитиш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерларда видео маълумотларнинг MPG ва AVI турлари кенг тарқалган. Компьютер технологияларининг жамиятда ва кундалик ҳаётимизда тутган ўрни жуда катта, компьютер кирмаган бирон бир соҳа ва корхона қолмади. Компьютер технологияларини татбиқ қилиш иқтисодиёт, фан, таълим ва бошқаришнинг барча соҳаларида давом этмоқда.

Технология – сўзи юнонча (techne) санъат, маҳорат, ўқув маъноларини англатади, бу эса жараёнлар демакдир.

Жараён деганда олдинга қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларнинг муайян йиғиндиси, жамланмаси тушинилади. Компьютер технологияларининг мақсади инсон таҳлил қилиши учун ахборотни ишлаб чиқариш ва унинг асосида бирор бир ҳатти-ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилишдан иборат.

Таълим жараёнида талабаларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш, мураккаб жараёнларни яққол кўз олдиларига келиши ва визуал қабул қилишни амалга ошириш борасида компьютер ва технологияларининг ҳиссаси катта.

Ахборот технологияси – бу объект, жараён ёки ҳодисалар ҳолати ҳақидаги маълумотларни бир кўринишдан иккинчи, сифат жиҳатдан мутлоқ янги кўринишга келтирувчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш узатишнинг восита ва усуллари мажмуасидан фойдаланиш жараёнидир. Ахборот технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишини белгиловчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қуйдагича тавсифлаш мумкин:

Ички омиллар- бу ахборотнинг пайдо бўлиши (яратилиши), турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳоказо.

Ташқи омиллар- бу ахборот технологиясининг техника ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради

Ҳозирги кунда, мобил телефон клавиатура ва экранга эга бўлиб аста-секин компьютер, факс аппарати, телефон аппарати, қайдлар китобчаси вазифаларини бажарувчи кўп мақсадли абонент тизимига айланмоқда.

Мобил алоқа муҳити – таянч станциялар ва бир гуруҳ абонентлар тизимидан иборат бўлиб, абонентларнинг бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашинувини таъминловчи техник воситалар мажмуаси.

Мобил алоқа хизмати операторлари – абонентлар (мижозлар) учун мобил алоқа хизматларини таклиф қилувчи ташкилотдир. Операторлар вазифасига радио частотадан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун керакли ҳужжатларни олиш, ўзининг мобил тармоғини ташкил қилиш, фойдаланиш, хизмат шартларини ишлаб чиқариш, хизмат тўловларини йиғиш ва техник хизмат кўрсатиш киради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида 5 та мобил алоқа оператори хизмат кўрсатмоқда, булар “Уздунробита” МЧЖ ХК – МТС, “Юнител” МЧЖ ХК - Билайн, “Коском” МЧЖ – Ucell, “Rubicon wireless communication” МЧЖ – “Перфектум Мобайл”, Ўзбектелеком АК – “Ўзбектелеком Мобайл”. Ушбу 5 та мобил оператор томонидан бугунги кунда мобил сўзлашув, SMS, MMS, GPRS, Интернет каби хизматлар кўрсатилмоқда.

Ҳозирги кунда мобил телефонларнинг ва бошқа мобил алоқа воситаларининг шунақа турлари ишлаб чиқарилмоқда-ки, булар вазифалари жиҳатидан персонал компьютердан қолишмайди. Бундай мобил алоқа воситалари ёрдамида ҳужжатлар билан ишлаш, мусиқа тинглаш, видеоклип томоша қилиш, ўйинлар ўйнаш, ҳатто радиоёшиттириш ва телевидениедан ҳам баҳраманд бўлиш мумкин.

Смартфон (*smartphone*) инглизчадан таржима қилинганда “ақлли телефон” маъносини англатади. Функционаллиги жиҳатидан чўнтак шахсий компьютерига яқин бўлган мобил телефон. Бунда чўнтак компьютерининг барча вазифалари мужассамланган.

iPhone - тўрт диапазонли мультимедияли смартфонлар линейкаси. iPhone ўзида телефоннинг асосий вазифаларидан ташқари коммуникатор ва интернет планшетларнинг асосий функцияларини ҳам қамраб олган.

Интернет планшетлар – бу махсус мобил қурилма бўлиб, шахсий компьютернинг классик намунасидир. Планшетлар (масалан iPad) ташқи кўриниш жиҳатидан компьютердан бутунлай фарқ қилади. Планшетлар фақатгина экрандан ташкил топган бўлиб, бошқа қўшимча қурилмалар (сичқонча, клавиатура) виртуал кўринишда ташкил этилган. Планшетлар

тўлиқлигича мобил алоқа муҳити орқали Интернет хизматларидан фойдаланишга ва ҳужжатлар билан ишлашга ихтисослашган.

ЎзМобил алоқа воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш Bluetooth, SMS ва MMS технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Bluetooth – кичик қамров доирасига эга бўлган симсиз алоқа технологияси. Тармоқ қурилмалари орасидаги ўзаро мулоқотни ва уларнинг Интернетга уланишини енгиллаштиради. У, шунингдек, турли электрон қурилмалари ва компьютерлар орасида маълумотлар алмашишни осонлаштиради. Bluetooth кичик маълумот оқимларини узатиш учун мўлжалланган, шунинг учун маҳаллий ва глобал тармоқ технологияларининг ўрнини боса олмайди.

SMS (Short Message Service) – қисқа хабарлар хизмати. Мобил алоқа тармоқларида абонентларнинг бир-бирларига қисқа матн хабарларини узатиш ва қабул қилиш хизмати ҳисобланади. Қисқа хабарлар дейилишига асосий сабаб технологик жиҳатдан бир хабар узатишда 140 та белгини узатиш мумкин.

MMS (Multimedia Messaging Service) – GPRS технологиясига асосланган мультимедиа хабарларини алмашиш хизмати. Хизмат рангли расм, фотосурат, мусиқа ва ҳатто видеороликларни узатиш ва қабул қилиш имконини беради. MMS технологияси бевосита хабар матнига тасвир ва мусиқани бириктиришни назарда тутди. MMS-хабарларни жўнатиш-қабул қилиш учун, MMS хизматни нафақат телефон қурилмаси, балки мобил алоқа оператори ҳам қўллаши зарур.

Интернет–ҳалқаро тармоғининг асосини Electronic mail (E-mail) - электрон почта хизмати ташкил қилади. Электрон почта худди одатдаги почтадек бўлиб, фақат бунда хатни қоғозга эмас, балки компьютер клавиатурасидан ҳарф ва сўзларни териб, маълум электрон ёзув кўринишига келтирилади. Электрон почта махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида Интернет тармоғи орқали дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, ҳужжат, яъни ихтиёрий маълумотни тезда (бир неча сония ва дақиқаларда)

жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Электрон почтанинг камчилиги шундан иборатки, хат жўнатувчи ва қабул қилувчининг ҳар иккаласи ҳам фойланаётган компьютер Интернет тармоғига уланган бўлиши зарур.

Хозирги кунда миллий почта хизматлари ҳам анча ривожланиб бормокда. Ўзбекистондаги ҳар бир Интернет провайдер ўзининг почта сервери ва хизматига эга бўлиб, асосан ўзининг мижозларига хизмат кўрсатади, уларнинг ичидан mail.uz, inbox.uz кабилари очик ҳисобланади ва бу тизимдан ҳоҳловчилар бепул фойдаланиб хат ва хабарлар жўнатиб қабул қилишлари мумкин.

Электрон тижорат Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 613-II сон Қонуни билан белгиланади ва амалга оширилади.

Ҳужжат - матн, товуш ёки тасвир шаклида ёзилган ахборот бўлиб, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий объектдир.

Ҳужжат турлари – ҳужжатларни ўз шаклига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Матнли ҳужжатлар. Қоғозга қўл ёки компьютер воситалари ёрдамида туширилган қандайдир маъно берувчи сўзлар кетма-кетлигидир.
- Товушли ҳужжатлар. Овоз ёзиш воситалари ёрдамида ёзиб олинган товушли ахборот.

Тасвирли ҳужжатлар. Фотосурат, ранг тасвир маҳсули

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш (таниб

олиш) имкониятини берадиган бошқа реквизитларига (маълумотларга) эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарорига биноан қуйидагича таърифланади ва фаолият юритади.

Электрон ҳужжат алмашиш тизимлари – электрон ҳужжатларни ахборот-коммуникация тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йиғиндиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришнинг янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги” 2002 йил 30 майдаги РҒ – 3080 сонли фармонини эълон қилинди.

Бу фармонни бажариш юзасидан ва ахборот коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устиворликларни амалга оширишга доир амалий чора тадбирларни таъминлаш мақсадида вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда 2002 -2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди, ва маълум бир ишлар амалга оширилди. Жумладан, ХТВдаги умумтаълим мактаблар компьютер билан таъминланди, дарсликлар чиқарилди, малака ошириш мутахассислари ҳар 3 йилда ахборот коммуникация бўйича малака ошириш таъминланди.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига асосан

Ҳукумат портали Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Бу билан Ҳукумат порталида чоп этилган ахборот, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ахборот билан тенг кучга эга эканлиги белгилаб берилган.

Ўтган вақт мобайнида Портал янги маълумотлар билан тўлдирилиб кенгайтириб борилди. Порталнинг функционал имкониятларни мукаммаллаштириш, фойдаланувчилар қулайлиги учун дўстона интерфейс яратиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида долзарб ва тезкор маълумотларни жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ – 1041 – сонли қарорига асосан “Қўшимча модулар (G to B ва G to C) киритилган янги платформадаги янги Ҳукумат порталини ишга тушириш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталининг янги версияси ишлаб чиқилди ва 2009 йил 1 октябрдаги Интернет тармоғида асосий домен www.gov.uz манзили бўйича жойлаштирилди.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиатига интеграллаштириш йўлида фаол сиёсат юритиб, иқтисодий, илм-фан, таълим соҳаси ва ахборот алмашиш борасида дунё халқлари билан ўзаро ҳамкорликни табора мустаҳкамламоқда.

Юртимизда жадал ривожланаётган давлат сифатида жаҳонаро обрўси юксалмоқда, интернет глобал ахборот тизими, интернет жаҳон ахборот узатиш воситаси ва ахборот тарқатишнинг энг муҳим янги механизимидир. Бу борада ҳам юртимизда бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси матбуот хизмати Web сайтининг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш,

таълим тизимига хорижий ўқув марказлари янги педагогик технологияларини ижобий тажрибаларини жалб этиш ва улардан амалда фойдаланиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Таълим муассасида масофавий таълимни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йилнинг январ ойида “Huawei Tech Investment Tashkent” маъсулияти чекланган жамияти томонидан видеоконференция алоқа терминали ўрнатилди. Бу қурилма ёрдамида Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари профессор –ўқитувчиларининг маърузаларини тинглаш, унда филиал талабаларининг вертуал тарзда иштирок этишини таъминлаш, амалий машғулотларни биргаликда бажариш, илмий амалий конференция, семинар,тренинглар, вертуал кўргазмаларни ҳамкорликда ўтказиш мумкин. Айни вақтда филиал профессор ўқитувчилари ва талабалари VPN тармоғи орқали хоҳлаган ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Назорат саволлари:

1. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш бўйича Республикада қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?
2. Ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Ахборот тизимида қандай жараёнлар кечади?
4. Ахборот тизими таъминотларига нималар киради?
5. Замонавий ахборот технологиялари деганда нимани тушунасиз?
6. Замонавий ахборот технологияларининг қайта ишланадиган ахборот тури бўйича қандай фарқланади?
7. Ҳисоблаш техникасининг ривожланиши тарихи тўғрисида нималарни биласиз?
8. Шахсий компьютерларнинг архитектураси қандай?

9. Компьютерларнинг техник таъминотига нималар киради?
10. Компьютерларнинг асосий қурилмалари ва улар орасидаги қандай функционал боғланиш мавжуд?
11. Микропроцессорнинг асосий вазифаси ва турлари нималардан иборат?
12. Процессорнинг такт частотаси нима?
13. Компьютер хотирасининг қандай турлари бор?
14. Киритиш ва чиқариш қурилмаларига нималар киради ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
15. Компьютерларнинг дастурий таъминоти қандай таснифланади?
16. Тизимли дастурларга нималар киради?
17. Тадбиқий дастурларга нималар киради ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
18. Маълумотларнинг файлли структураси нима?

2–маъруза

Операцион тизимлар. Windows XP, Vista ва Seven имкониятлари ва фарқлари

Режа:

1. Шахсий компьютерларнинг ташкил этувчилари.
2. Операцион тизим.
3. Операцион тизимнинг турлари ва асосий вазифалари.
4. Операцион тизимда файлларни бошқариш.
5. Windows XP операцион тизими.
6. Windows Vista операцион тизими.
7. Windows 7 операцион тизими.
8. Тизимлар муҳитида ишлаш.
9. Мазкур операцион тизимлар ўртасидаги асосий фарқлар.

Таянч атама ва иборалар: Шахсий компьютер, тизимли қисм, монитор, скайнер, стример, принтер, ксерокс, тармоқ адаптери, трекбол, аудиоплата, плоттер, модем, микропроцессор, оператив хотира, дастурий таъминот, ускунавий дастурлар, амалий дастурлар, операцион тизим, бир платформали, матнли интрфейс, график интерфейс, файл тизими, файл кенгайтмаси, администратор, фойдаланувчи, меҳмон, оптик йиғувчилар, товушли карта.

Шахсий компьютерда одатда 2 ташкил этувчи мавжуд. Компьютернинг аппарат қисми ва унинг дастурий таъминоти.

Шахсий компьютернинг асосий қурилмалари

- ❖ тизимли қисм (системный блок),
- ❖ монитор
- ❖ ва клавиатура

Шахсий компьютернинг қўшимча қурилмалари

- Сканер
- Стример
- Принтер
- Ксерокс
- Тармоқ адаптери
- Трекбол
- Аудиоплата
- Плоттер
- Модем

Компьютернинг тезлиги

- микропроцессорга
- оператив хотира ҳажмига
- ва қаттиқ диск тезлигига боғлиқ

Компьютернинг дастурий таъминоти:

- тизимли дастурий таъминот;
- ускунавий дастурлар;
- амалий дастурлар.

Тизимли дастурий таъминот- ахборотни қайта ишловчи дастурларни яратиш самарадорлигини ошириш ва уларни қўллаш, ҳамда фойдаланувчиларга ЭХМ ресурслари билан ишлаш бўйича маълум хизматларни таклиф этиш учун мўлжаллангандир.

Амалий дастурий таъминот – фойдаланувчининг аниқ бир муаммоли масалани ёки шундай масалалар синфини ечиш учун мўлжалланган.

Тизимли дастурий таъминотни

1. Операцион тизимлар;
2. Сервисли дастурлар;
3. Техник хизмат кўрсатиш тизими ташкил этади.

Операцион тизим деб, фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги мулоқотни, ички ва ташқи қурилмаларнинг биргаликда ишлашини таъминловчи, барча қурилмалар ишчи ҳолатини назорат қилувчи ва уларни

бошқарувчи дастурлар тўпламига айтилади. Операцион тизим – тизимли дастурий таъминотнинг доимий қисми бўлиб, у ЭХМ нинг турли режимларида самарали ишлашни таъминлайди, дастурнинг бажарилишини ҳамда фойдаланувчи ва ЭХМ ташқи қурилмаларининг ўзаро мулоқат ишини ташкил этади.

Сервисли дастурлар – фойдаланувчига ва унинг дастурларига қўшимча хизматлар тўпламини таклиф этиб, ОТ нинг имкониятларини кенгайтиради.

Техник хизмат кўрсатиш тизими – диагностика, жиҳозларни тиклаш ва компьютер нуқсонларини бартараф этиш, шу билан бирга унинг янада юқорирак ишончлилигини ошириш ва ахборотларни ўзгартириш жараёнларини бажарилишини таъминлайди.

Компьютерлар учун қуйдаги ОТ турлари кенг тарқалган:

- MS DOS – IBM PC AT ва XT компьютерлари учун;
- OS2 – IBM PS2 ва юқори микропроцессорли(МП) PC AT учун;
- UNIX 32 разрядли IBM PS2 ва 80386 ва ундан юқори МП IBM PC AT учун;
- Windows 95 – 32 разрядли 80386 ва ундан юқори МП IBM PC AT учун;
- Windows NT - 32 разрядли 80386 ва ундан юқори МП IBM PC AT учун;
- Windows 98 – Pentium PRO, MMX, I, II, III МП учун;
- Windows – 2000, Windows –ME, Windows XP, Windows Vista каби ОТ кенг қўлланилмоқда.

Операцион тизим номлари	Учун минимал талаб	Операцион тизим номлари	Учун минимал талаб
MS DOS муҳити	1MB ва ундан кам	WINDOWS 2000	64 Мб

WINDOWS 3.1 муҳити	4MB;	WINDOWS XP	128 <u>Мб</u> <u>RAM</u> ёки ундан юқори
WINDOWS 95	8MB;	Windows Vista	2G
WINDOWS 98	16 MB	WINDOWS 7	512 <u>Мб</u> ва ундан катта
INTERNET, E- mail муҳити	32 MB ва ундан катта		

Операцион тизимнинг асосий вазифаси:

- фойдаланувчини унинг бажариши ва умуман билиши ҳам керак бўлмаган зерикарли ҳамда жуда мураккаб ишлардан ҳалос этиш, компьютер билан мулоқот қилишда қулайликлар яратиш;
- операцион тизим файлларни кўчириш ёки босмага чиқариш, керакли дастурларни тезкор хотирага юклаб ишга тушириш ва бошқарувни уларга узатиш, оператив хотирани дастур иши сўнггида бўшатиб яна ўзига олиш.

Албатта келтирилган рўйхат тўлиқ эмас. Операцион тизимларни қуйдаги параметрлар бўйича синфларга бўлиш мумкин:

- 1- пуллик ва бепул(шартли бепул);
- 2- очик кодли ва ёпиқ кодли;
- 3- бир платформали (масалан PC мослик) ва кўп платформали(масалан, PC мослик, Macintosh, Sun, Power PC);
- 4- бир вазифали ва кўп вазифали;
- 5- бир фойдаланувчили ва кўп фойдаланувчили;
- 6- сервер, клиент ва универсал;
- 7- матнли ёки график интерфейсли ёки у ҳам бу ҳам;
- 8- тармоқ ва интернет билан ишлаш;
- 9- эҳтиёж ресурслари ва бошқалар

DOS OT Microsoft фирмасида ишлаб чиқарилган, 16 разрядли, бир фойдаланувчи, бир вазифали тизим. Пуллик, ёпиқ кодли, бир платформали, матнли интрфейс, ўрнатилиши жуда оддий, файл тизими FAT 12, FAT16, FAT32 локал тармоқ қўллаб қувватланиши бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг драйверлари ва дастурлари. Аппаратли ва дастурий кенгайтиришни ҳисобга олмасдан шошилиш ишлаб чиқарилган. Энг таниқли версиялари IBM-DOS, PC- DOS, DR-DOS.

UNIX – кўп фойдаланувчи, кўп масалали OT дир. OT дастурларининг кўп қисми Си тилида ёзилган (DOS ва ОС 2 даги каби ассемблерда эмас) ва машинага боғлиқ эмасдир, бу OT нинг юқори ҳаракатчанлиги амалий дастурларни универсал ЭХМ га, мини ЭХМ га ва турлича компьютерларга осонгина ўтказишни таъминлайди.

UNIX оиласидаги LINUX OT нинг хусусияти унинг модуллиги ва кенг сервисли дастурлар тўплами мавжудлиги бўлиб, улар фойдаланувчи-программистлар учун қулай операцион вазиятни яратади.

LINUX OT бепул тарқатилувчи OT бўлиб, кодларнинг очиқлиги ва тармоқ хужумларидан ҳимояланганлиги, вируслар муаммоси деярли йўқлиги билан афзалдир. Бу OT камчилиги Windows OT ёзилган каби кўплаб дастурлар йўқдир.

Файл –дискнинг номланган соҳаси бўлиб, маълум сақланган дастур ва хужжат матнлари, бажарилиши мумкин бўлган дастурлар, мусиқа, видео клип ва ҳ.к файллардир.

Ҳар бир файл ном ва кенгайтмага эга бўлади.

- MS DOS OT да ном 1 дан 8 гача, кенгайтчи эса 1 дан 3 гача бўлган белгидан иборатдир. Ном билан кенгайтма ўзаро нукта орқали ажратилади. Масалан: command.com, letter.txt, autoexec.bat

- Кенгайтма файлнинг мазмунини тасвирлайди ва унга қараб файлни қайси дастур ёрдамида ташкил қилинганини аниқлаш мумкин.

Файллар бир неча хил бўлади.

Файл тизими.

Кенгайтма	Файл турлари
.com, .exe	бажаришга тайер дастурлар
.bat	буйруқ файллар
.pas -	Паскалдаги дастур
.c	СИ даги дастур
.asm	Ассемблердаги дастур
.bak	файлни ўзгартиришдан аввалги нусхаси
.bas	Бейсикдаги дастур
.lib, .dll, .sys	дастурлар кутубхонасига тегишли файл
.txt, .doc	матнли файл
.pdf, .tif, jpg, gif, bmp,	графика файл
dat, avi, mp3, mp4	видео ва мусиқа файл

Windows операцион тизимида фойдаланувчилар қайд маълумотларининг 3 та тоифаси мавжуд.

1. Администратор – операцион тизим ва компьютер функцияларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш бўйича тўлиқ ҳуқуқга эга бўлган фойдаланувчи;

2. Фойдаланувчи(пользователь с учетной записи) - фақатгина ўзининг қайд маълумоти созлашларини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган, аммо дастурларни ўрнатиш ва операцион тизим функцияларини созлаш бўйича чекловлар мавжуд бўлган фойдаланувчи;

3. Меҳмон (гость - пользователь без учетной записи) – тизимга паролсиз кириш ҳуқуқи мавжуд, аммо компьютер ва операцион тизимни бошқариш бўйича ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаган фойдаланувчи

Windows XP OT

Windows 2000 OTдан сўнг яратилган бўлиб, асли номи инглизча experience(малака) деган маънони англатади.

Windows XP OT нинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Windows XP Professional editions операцион тизими
2. Windows XP Homedetion – уйдаги компьютерларда ишлатилишга мослашган Professional editions га нисбатан арзонроқ варианты

3. Windows XP Tablet PC Edition планшетли 1 табақали сенсорли телефонга ўхшаш компьютерлар

Windows XP Home ва Professional editions операцион тизимлари ўрнатилиши учун талаблар қуйидагича:

	Минимал талаби	Тавсиясига кўра талаби
<u>Процессор</u>	233 <u>MHz</u>	300 <u>MHz</u> ёки юқори
<u>Оператив хотираси</u>	64 <u>Мб RAM</u> (баъзи имкониятлари чегараланган бўлиши мумкин)	128 <u>Мб RAM</u> ёки ундан юқори
<u>Видеоадаптер ва монитор</u>	<u>Super VGA</u> (800 x 600)	<u>Super VGA</u> (800 x 600) ёки ундан юқори
<u>HDD</u> да ажратиладиган жой	1.5 <u>Гб</u> бўш жой	1.5 <u>Гб</u> ёки ундан катта бўш жой
<u>Оптик йиғувчилар</u>	<u>CD-ROM</u> (ўрнатилиш учун талаб)	<u>CD-ROM</u> ёки <u>DVD-ROM</u>
<u>Фойдаланувчи билан мулоқотдаги қурилма</u>	<u>Клавиатура</u>	<u>Клавиатура</u> ва <u>сичқонча</u>
<u>Бошқа қурилмалар</u>	<u>Товушли(Звуковая) карта,</u>	колонкалар ва <u>наушниклар</u>

Бу OT Pentium IV учун энг қулай версия ҳисобланади

1. Компьютер ёқилаётганда идентификация ёки аутентификация бажарилади. Фойдаланувчи пароль танлаш ва уни ўз пароли билан исботлаши керак бўлади.

2. Кўриниши жуда қулай: классик ёки замонавий
3. Кўп қурилмалар учун драйверлар сероб
4. Тез ва қулай ишлайди, содда интерфейсга эга, яхши ҳимояланган.

Windowsни XP версияси 2001 йилда чиқиши билан Windowsда ишлаш янада осонлашди. Бу версия компьютер қурилмаларини ўзи ахтариб топиб керакли драйверни ўрнатади. Кинофильмлар кўриш учун қулай муҳитни яратади. Шунингдек, ҳақийқий кўринишга эга бўлган манзарали ўйинлар яъни ҳақиқатга яқинлаштирилган ўйинлар ўйнаш имконини яратади ва шу билан бир қаторда техникага бўлган талаблар ҳам ошди. Эндиликда ҳажм жихатидан каттароқ винчестер оператив ва видео хотира, тез ишловчи процессорлар шулар жумласидандир. Битта компьютерга бир нечта мониторлар улаб ишлаш ва USB портлари янги ускуна ўрнатишни осонлаштиради. Windows XP дастури рақамли фотоаппарат, скайнер, телефон аппаратларига маълумот ёзиш имкониятларини енгиллаштиради.

Хизматчи мастери компьютер тезлигини ошириб ва эффектив ишлаши учун кўмаклашади. Электрон бошқариш воситалари эса компьютерни уйқу ҳолатида ишлаш имконини беради ва компьютер керак бўлганда уни тезда ишга тушириш мумкин. FAT 32 файллар системасини ишлатиш билан бирга доимий дискни эффектив ишлатиб, жойни тежаш имконини вужудга келтирди.

Web саҳифасида ишлаш ҳам осонлашди ва унда ишлаш тезлашди. Web саҳифаларни кўриш, кўчириш ва фойдаланувчига ёққан web саҳифани иш столига расм сифатида фойдаланиш мумкин.

Windowsни ёрдамчисидан эса биз турли саволларимизга жавоб олишимиз ёки бўлмаса Windows бажариши мумкин бўлган ишлар билан танишишимиз мумкин.

Vista OT

- Windows XPдан кейинги яратилган ва янги кўринишга эга бўлган операцион тизим.
- HomePremium – уй учун жуда сифати зўр;

Ишлаб чиқарувчи	<u>Microsoft Corporation</u>
ОТлар оиласига мансуб	<u>Windows NT</u>
Биринчи версияси	2006 30 ноябрда (корпоратив мижозлар учун) 2007 30 январда (оддий фойдаланувчилар у-н)
Охириги версияси	6.0 (Build 6002.18005.090410-1830) Service Pack 2 (SP2) RTM — 2009йил 25 майда
Ядро тури	<u>Гибрид ядро</u>
Интерфейси	<u>Windows Aero</u>
Лицензияси	Microsoft <u>EULA</u>
Ҳолати	Актуал
Веб-сайт	<u>Windows Vista – уй саҳифаси</u>

Windows Vistанинг камчилиги

- Процессор 2та бўлсагина кўради, қолганларида кўрмайди;
- 2 ва ундан кўп ядроли процессорларни тан олади;
- Pentium IIIга мўлжалланган дейилади , аммо Pentium IVда ҳам яхши ишламайди
- 512MB да ишлайди дейилади, аммо фойдаланувчи 2G бўлиши керак деяпти,
- Видеохотираси – MS 32MB бўлса етади дейилган,аммо фойдаланувчи фикрича 128MB ни талаб этмоқда
- Қаттиқ диск MS -20 GB бўлади деган, аммо фойдаланувчи камида 40 GB бўлмаса ишламаяпти демоқда
- CD-ROM эмас DVD-ROM бўлса ишлаш қулай дейилади
- Бу сотилиши бўйича энг омадсиз компьютер ҳисобланади.

Windows Vista авзалликлари

- ULTIMATE – кўпинча шу версиясини қўллашади, чунки у энг кучлиси ҳисобланади.
- Чиройли график кўринишга эга;

- Кам вирус тушади;
- Алоҳида панель ва ҳ.к...ларга кўра талабни катта қўяди

Windows Vista операцион тизими 30 ноябр 2006 йили тақдим этилди. Аммо бу операцион тизим икки ой давомида Microsoftнинг рақобатчилари томонидан махсус заказ бўйича қўлланиб келинди ва 30 январ 2007 йилда ишлашга қўйилди.

Microsoft фирмаси Windows Vista операцион тизимининг 4 асосий версияларини яратди. Булар:

- Windows Vista Home Basic.

Бу энг содда ва энг арзон (\$93) версия бўлиб, унда AeroGlass интерфейси йўқ.

- Windows Vista Home Premium.

Бу версиянинг нарҳи \$133 бўлиб, AeroGlass ва Windows Media Center интерфейслари мавжуд .

- Windows Vista Business.

Бу версиянинг нарҳи \$177, унда Internet Information Server (IIS) пакетлари мавжуд.

- Windows Vista Ultimate.

Энг қиммат версия - \$265. Юқоридаги ҳамма имкониятларни ўзида мужассамлаштирган.

Windows 7

Windows 7 операцион тизими 2009 йил октябр ойида сотувга чиқарилган. Ушбу операцион тизим ўзининг қулайлиги , ишлашга осонлиги ва интерфейсининг ажойиблиги билан фойдаланувчилар ўртасида тез оммалашиб кетди. "StatCounter" тадқиқот компанияси томонидан тузилган графикка кўра, XP жаҳон бозорида 38,66 фоиз улушга эга бўлса, Windows 7 эса 40,21 фоиз. Microsoft фирмасининг Windows Vista операцион тизими 2011 йилнинг январь ойида 15,1 фоиз улушга эга бўлган бўлса, октябрь ойига келиб бу кўрсаткич 11,17 фоизга тенг бўлиб қолди. Ўтган тўққиз ой давомида Apple компаниясининг Mac OS X операцион тизимининг бозордаги улуши 1

фоизга кўтарилди - 7,29 фоиз. Аксинча, Linux операцион тизимининг улуши эса атиги 0,82 фоизни ташкил қилмоқда. Windows NT оиласига мансуб Windows 7 — операцион тизими

- Windows Vista дан сўнг яратилган операцион тизим.
- Windows NT линейкасида бу операцион тизим 6.1 версия номери билан (Windows 2000 — 5.0, Windows XP — 5.1, Windows Server 2003 — 5.2, Windows Vista и Windows Server 2008 — 6.0) белгиланган.
- Сервер версияси сифатида Windows Server 2008 R2, Windows компонентларидан тузилган интеграллашган тизим версияси учун — *Windows Embedded Standard 2011 (Quebec)*, [1] мобилъ тизими учун эса — *Windows Embedded Compact 2011 (Chelan, Windows CE 7.0)*.

Ишлаб чиқарувчи	<u>Microsoft Corporation</u>
ОТ оиласига мансублиги	<u>Windows NT</u>
Биринчи чиқариш	<u>22 октябр 2009</u>
Охириги версия	6.1 (Build 7601.17514.101119-1850) — <u>22 феврал 2011</u>
Ядро тури	<u>Гибридное ядро</u>
<u>Интерфейс</u>	<u>Windows Aero</u>
<u>Лицензияси</u>	Microsoft <u>EULA</u>
Ҳолати	Актуал
<u>Веб-сайт</u>	<u>Windows 7 — уй саҳифаси</u>

Windows 7 олти редакцияга эга:

Русча номи	Инглизча номи	Қиймати [17]
<u>Бошланғич</u>	Starter	Одатда нетбукларга мўлжалланган

Уйлар учун базавий	Home Basic	3490 рубл
Уйлар учун кенгайтирилган	Home Premium	5990 рубл
Профессионал	Professional	8990 рубл
Корпоратив	Enterprise	Йирик корпоратив мижозларга сотиш учун
Максимал	Ultimate	11990 рубл

ОТ сотувда 2009йил 22 октябрдан бошланган.

- Volume Licensing лицензиясига эга ҳамкорлар ва мижозлар учун, RTMга киришга рухсат 2009 йилнинг 24 июлида берилган бўлса, интернетда оригинал тизим установкалар намунасининг финал версиялари 2009 йилнинг 21 июлидан тавсия этилди.
- Веб-аналитиклар маълумотида кўра W3Schools (англ.), 2011 йил декабрида Windows 7нинг дунё бўйича интернет тизимида иштирок этаётган тизимлар орасида биринчи ўринни эгаллагани маълум бўлди. ▲ 46,1 %, шу билан у операцион тизимлар орасида, лидерликни 2011 йил августигача қўлдан бой бермаган Windows XPдан ўзиб кетди.

Янгилиги ва ўзига хослиги

- Операцион тизим мультитач - бошқаруви остида ишлайди.
- Унинг бу имконияти илк бора Орландо да ҳар йили ўтказиладиган Microsoftнинг TechEd'08 конференциясида намоиш этилди. Унда 6.1.6856 тизими сборкаси ва мультитач - экранли ноутбукнинг такомиллаштирилган модели қўлланилди.

Linux ОТлари

- Бу ОТ UNIX ОТ асосида яратилган. Финляндиялик олим Linus Tor Waís яратган бу операцион тизим бир вақтда бир неча вазифани


бажариши мумкин, унинг программасини бемалол очиб ўқиш, ўзгартириш ва буйруқлар асосида ишлатиш мумкин. Уни ҳатто MS DOSда ҳам ишлатиш мумкин.

- Ўзбекистондаги версиялари:

1. Red-lad
2. Feodora

Уни ўзбек тилига ҳам бемалол ўгириш мумкин.

Microsoft ўзининг Windows 8 – янги авлод операцион тизимини 2012 йилнинг охирларига чиқаришни мўлжалламоқда. Компания яқинда ушбу операцион тизимнинг дастурчилар учун мўлжалланган версиясини эълон қилди. Уни компаниянинг расмий сайтидан кўчириб олиш мумкин.



Назорат саволлари:

1. Шахсий компьютернинг асосий ва қўшимча фандай қурилмаларини биласиз?
2. Файл тизими ҳақида маълумот беринг.
3. Операцион тизим – нима?
4. Операцион тизимнинг қандай турларини биласиз?
5. Windows XP ОТ ҳақида маълумот беринг.

6. Windows VISTA ҳақида маълумот беринг.
7. Windows 7 ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Сўзлаб беринг.
8. Linux ОТлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Сўзлаб беринг.

3–маъруза

Microsoft Office 2003, 2007 ва 2010 кўриниши ва имкониятлари

Режа:

1. Microsoft компанияси ва унинг маҳсулотлари ҳақида умумий маълумот.
2. Microsoft Office ва унинг таркибидаги дастурлар.
3. Microsoft Offисенинг 2003, 2007 ва 2010 йиллардаги кўринишлари ўртасидаги умумий жиҳатлар ва тафовутлар.
4. Энг сўнгги 2010 йилги версиянинг янгича имкониятлари.

Таянч атама ва иборалар: Microsoft Office пакети, меню қатори, ускуналар панели, координат чизғич, координат чизғич, презентация, слайд, йўналтирувчилар, шаблонлар, проектлар , презентация дизайни, структура, ячейка, иш китоби, иш варағи, формула, функция, диаграмма, автоформат, маълумотлар омбори.

Энг оммавий бўлган Microsoft Office пакети қуйидаги дастурларни ўз ичига олади:

- Кучли матн муҳаррири MS Word6, Word7, Word97, Word2000, WordXP, Word2003, Word2007 ва Word2010;
- Мураккаб ҳисоблашларнинг бажарилишини автоматлаштирувчи электрон MS EXCEL жадвали;
- Жуда кўп сондаги катта файллар билан ишлашни ташкил этувчи маълумотлар омборини бошқарувчи MS Access тизими;
- Керакли маълумотларни жуда ранг-баранг такдимотларини таъминлайдиган MS Power Point тизими.

MS Word2003 дастурида ишлаш

MS Word дастурини ишга тушириш учун қуйидагича кетма-кетлик бажарилади:

Пуск⇒Все программы⇒Microsoft Office⇒Microsoft Office Word 2003:
MS Word дастури ишга тушади ва унинг қуйидаги ойнаси пайдо бўлади:


MS Word 2003 ойнасининг элементлари:

1. Сарлавҳа қатори.
2. Горизонтал меню қатори.
3. Стандартная ускуналар панели.
4. Форматирование ускуналар панели.
5. Горизонтал координат чизғич.
6. Вертикал координат чизғич.
7. Вертикал ўтказиш йўлаги.

8. Горизонтал координат чизғич.

9. Рисование панели.

10. Ҳолат катори.



Сарлавҳа қаторида юкланган файлнинг номи ёзилган бўлади. Агар файл ҳали сақланмаган бўлса MS Word 2003 ҳужжатга Документ1, Документ2, Документ3 ва ҳ. деб ном беради.

Меню қаторида MS Word ёрдамида бажариш мумкин бўлган барча буйруқлар горизонтал менюнинг Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Таблица, Окно, Справка бўлимларида мужассамлашган. Ҳар бир бўлим номида сичқонча тугмаси босилса, шу бўлимга тегишли буйруқлар жойлашган вертикал меню очилади.

Ускуналар панелларида буйруқлар тугмалар кўринишида берилган бўлиб, буйруқларни сичқонча ёрдамида тезгина бажариш мумкин. MS Word дастурида бир қанча ускуналар панеллари мавжуд бўлиб, уларни керак бўлган тақдирда **Вид** менюсининг **Панели инструментов** буйруғи ёрдамида экранга қўйиш ёки керак бўлмаган тақдирда экрандан олиб ташлаш мумкин. Бу вазифани горизонтал меню қаторида сичқонча ўнг тугмасини босиб, очилган контекст менюдан танлаш орқали ҳам бажариш мумкин.

Координат чизғичлари белгиланган матнни варақда жойлаштиришга хизмат қилади. Координат чизғичлари **Вид** менюсининг **Линейка** буйруғи билан ўрнатилади ёки олиб ташланади. Матнни варақда аниқ жойлаштиришга хизмат қиладиган **Разметка** (Белгилаш) режимида вертикал чизғич ҳам кўрсатилади. Агар вертикал координат чизғич экранда кўринмаса, уни **Сервис→Параметры→Вид→Вертикальная линейка** кетма-кетлигини бажариш ёрдамида ўрнатилади. Ўтказиш йўлаклари эса иш майдонидаги ҳужжатнинг кўринмас қисмларини кўриш имконини беради.

MS Word дастурида қуйидаги режимларда ишлаш мумкин:

1. Обычный режими, бу режимда матнни киритиш ва таҳрирлаш осон.
2. Разметка режимида саҳифанинг ҳақиқий кўринишини кўриш мумкин.
3. Структура режими кўп боб ва бўлимлардан иборат катта ҳужжатлар билан ишлаш учун ишлатилади.
4. Электронный документ (электрон ҳужжат) режими ҳам катта ҳужжатлар билан ишлаш учун қўлланилади.
5. Веб – документ ҳужжатни веб-саҳифага жойлаштириш мумкин бўлган кўриниши.

Бу режимларни ўрнатиш Вид менюсининг мос буйруқлари ёрдамида ёки горизонтал ўтказиш йўлагининг чап томонида жойлашган тугмалар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳолат қаторида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

1. Жорий бет ва бўлимнинг номери, сўнгра умумий бетлар сонидан жорий бетнинг номери;
2. Матн курсорининг жойлашиш позицияси;
3. Макрокомандани ёзиш режимини кўрсатувчи индикатор (ЗАП);
4. Хатоларни тўғрилаш режимини кўрсатувчи индикатор (ИСПР);
5. Матн бўлагини белгилаш режимини кўрсатувчи индикатор (ВДЛ);
6. Хатоларни тўғрилашнинг қайси режими ўрнатилганлигини кўрсатувчи индикатор (ЗАМ);
7. Клавиатуранинг қайси ҳарфлар билан ишлаётганлигини кўрсатувчи индикатор;
8. Орфографияни текшириш режими ўрнатилганлигини кўрсатувчи китобча белгиси;

Ускуналар панеллари

MS Word дастури билан ишлаш давомида бирорта бир буйруқни бажаришда қуйидаги усуллардан биридан фойдаланиш мумкин:

- ускуналар панели тугмалари ёрдамида;
- меню буйруқлари ёрдамида;
- клавиатура ёрдамида (ALT тугмаси ва меню бўлими номининг остига чизилган ҳарфлар тугмасини ва ундан кейин буйруқ номининг остига чизилган ҳарф тугмасини биргаликда босиш ёрдамида);
- тугмалар мажмуаси ёрдамида.

Ҳар бир усул ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга, масалан:

- сичқончадан фойдаланиш осон, чунки буйруқлар кетма-кетлиги ва тугмалар мажмуасини эсда тутиш шарт эмас – бор йўғи сичқонча

кўрсаткичини керакли тугмага йўналтириш ва сичқонча тугмасини босиш кифоя;

- тугмалар мажмуаси ёрдамида бўйруқларни тезроқ бажариш мумкин, чунки қўлни клавиатурадан олинмайди.

Одатда кўпчилик фойдаланувчилар буйруқларни бажаришда ускуналар панели тугмаларидан фойдаланадилар. Чунки, сичқонча ёрдамида менюнинг одатдаги буйруқларини тезгина бажариш мумкин. Масалан, ҳужжатни очиш учун менюдаги Файл – Открыть буйруғини танлаш ўрнига ускуналар панелидаги Открыть тугмасини босиш кифоя.

MS Word биринчи марта юкланганда унда одатда Стандартная, Форматирование ва Рисование ускуналар панели экранга жойлаштирилган бўлади. Бу панеллардан ташқари жуда кўп панеллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни исталган вақтда экранга чиқариш ёки керак бўлмаган тақдирда экрандан олиб ташлаш мумкин.

Ускуналар панелини экранга қўйиш ёки олиб ташлаш

Ускуналар панелини экранга қўйиш ёки олиб ташлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- *Вид бўлимининг Панели инструментов буйруғидан фойдаланиш. Ускуналар панеллари рўйхати очилгач, керакли панель қаторида сичқонча тугмаси босиб танланади ёки танлаш бекор қилинади.*
- *панелни экранга чиқаришининг яна бир осон усули – бирорта ускуналар панелида сичқонча ўнг тугмасини босиш. Ускуналар панеллари рўйхати дарҳол очилади. Рўйхатдан керакли ускуналар панели танланади ёки танлаш бекор қилинади.*

Панелларни чизгичдан юқорида ёки иш майдонида, яъни MS Word иш ойнасининг исталган ерига жойлаштириш мумкин. Ускуналар панелини ҳужжат ойнасининг ичига жойлаштириш учун ташиш усулини қўллаш мумкин. Панель ўлчамларини ўзгартириш учун сичқонча ёрдамида унинг

чегараларини суриш мумкин. Ускуналар панелини экраннинг юқори қисмига жойлаштириш учун сичқонча ёрдамида ташиш ёки унда сичқонча тугмасини икки марта босиш керак.

MS Power Point 2003 дастурида ишлаш

MS Power Point имкониятлари:

- График ахборотлар, слайдлар, овоз, видео клиплар анимациялардан фойдаланиб сифатли тақдимотлар яратилади.
- MS Power Point дастури 1987 йилдан бошлаб пайдо бўлган, аммо презентацион график ишларда етакчи ўрин тутди.
- Бу дастурнинг кейинги версияларида эса шу дастурга янги қўшимча фикрлар ва презентацияларни қўллашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

PowerPoint дастури ойнаси. Слайдлар билан ишлаш

Microsoft PowerPoint дастури Microsoft Office дастурлари тўпламига кирган бўлиб, унинг ёрдамида асосан тақдимотлар (презентациялар) яратиш, уларни компьютер экранда, проектор орқали катта экранларда намойиш этиш ёки кичик (3,5 мм) слайдлар яратиш мумкин.

PowerPointда яратилган презентацияларнинг асосий объекти слайд бўлиб, ҳар бир презентация бир ёки бир неча слайддан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир слайд эса сарлавҳа, белгиланган абзацлар, матн ёки график объектлардан ташкил топиши мумкин.

PowerPoint ойнаси элементлари

Меню қатори

PowerPoint менюси Microsoft Office'нинг бошқа иловалариникига, айниқса Word менюсига ўхшаш бўлиб, фақатгина Показ слайдов менюсигина PowerPoint ойнасигагина хосдир. Қуйидаги жадвалда PowerPoint менюсининг бўлимлари ва уларнинг вазифалари келтирилган:

Меню бўлими номи	Вазифаси
Файл	Microsoft Office иловалари учун стандарт ҳисобланган буйруқлар тўпламидан ва PowerPointгагина хос бўлган буйруқлар, масалан, «Упаковать» каби буйруқлардан иборат.
Правка	Бажарилган ишларни орқага қайтариш буйруқлари, кесиб олиш, нусха кўчириш, жойлаштириш каби буйруқлардан иборат.
Вид	Презентацияни кўриш режимларини ўрнатиш буйруқларидан, ускуналар панелини экранга жойлаштириш буйруқларидан, чизғичлар ва йўналтирувчиларини ўрнатиш буйруқлари ва масштабни ўзгартириш буйруқларидан иборат.
Вставка	Бу меню буйруқлари ёрдамида презентацияга турли объектларни жойлаштириш ва янги слайдларни қўшиш мумкин.
Формат	Матн ёки исталган объектнинг турли параметрларини ўзгартириш мумкин.
Сервис	Microsoft Officенинг одатдаги сервис буйруқларидан ташқари PowerPointгагина хос бўлган буйруқлардан иборат. Булар, бир слайддан иккинчи слайдга ўтиш, слайдларни яшириш ёки расмларни қайта бўяш буйруқлар. Бундан

	ташқари ускуналар панелини созлаш, вақтни созлаш ва бошқа буйруқлар тўпламини ҳам ўз ичига олади.
Показ слайдов	Презентацияни аввалдан кўриш буйруқларидан, анимацияни назорат қилиш буйруқларидан иборат.
Окно	Новое окно, Упорядочить все, Вписать страницу буйруқларидан иборат.
Справка	Ёрдам тизимининг буйруқларидан иборат.

PowerPoint ускуналар панели

Ускуналар панелининг тугмалари PowerPoint буйруқларига мос келади. PowerPoint ойнасида одатда Стандартная, Форматирование, Рисование ускуналар панеллари мавжуд бўлиб, қолган панелларни керак бўлган тақдирда экранга чиқариш ёки керак бўлмаган тақдирда олиб ташлаш мумкин.

Чизғичлар ва йўналтирувчилар

PowerPointда чизғичлардан фойдаланиш фойдали ҳисобланади, чунки чизғичлар слайд майдонидан фойдаланишни режалаштириш ва матн ва бошқа объектларни тўғри жойлаштиришга ёрдам беради. Чизғичларни экранга Вид менюсининг Линейки буйруғини танлаш орқали жойлаштириш мумкин.

Слайд элементларини аниқроқ жойлаштириш учун Вид менюсининг «Направляющие» буйруғини танлаш мумкин. Натижада слайднинг маълум бир нукталари орқали ўтган нукталардан иборат горизонтал ва вертикал чизиқлар пайдо бўлади ва уларга қараб слайд элементларини тўғри жойлаштириш мумкин. Йўналтирувчилар жойини сичқонча ёрдамида

юқорига ва пастга, ўнгга ёки чапга суриш ва уларга нисбатан слайд элементларини исталганча жойлаштириш мумкин. Йўналтирувчилар босмага чиқарилмайди, улар фақат PowerPoint ойнасидагина жорий бўлади.

PowerPoint презентацияси ташкил этувчилари

Шаблонлар ва намуналар

PowerPoint кўримли слайдлар яратиш функцияларини таклиф этади. Бундай функциялар шаблонлар ва намуналар ҳисобланади. Намойиш шаблони – намойиш слайдининг фони ҳисобланган ранглар ва график элементлардан ташкил топган презентация режаси ҳисобланади. Презентация шаблонларини баъзан проектлар (презентация дизайни) деб ҳам аташади. Шаблонларнинг ранглар чизмаси (схемаси) матнлар, чизиқлар, фон ва бошқа элементлар учун мос равишда тўғри танланган бўлади. График элементлар – слайдга жойлаштирилган матн ёки графика таассуротини кучайтириш мақсадида ишлатиладиган фонга қўшиладиган чизиқлар, шакллар ёки тасвирлар ҳисобланади. Презентация шаблони аввалдан ўрнатилган шрифтлар ва стиллардан иборат намуналардан ҳам иборат бўлади. Масалан, *Общее собрание* (Умумий йиғилиш) шаблони намойишнинг профессионал даражадаги кўринишини таъминлайди.

Слайдлар намуналари эса шрифт стили, матннинг слайдда жойлашиши ва форматлашни назорат қилишга имкон беради. Масалан, намуна ҳар бир слайд сарлавҳаларининг марказда жойлашувини, Arial шрифти, 50 пт. ўлчам билан ёзилишини таъминлайди. Шаблонлар ва слайд намуналаридан фойдаланиш презентация барча слайдларида бир хилдаги ранглар чизмаси, структураси, форматлаш элементларининг қўлланилишига олиб келади.

Презентация намуналари

PowerPoint яратилаётган презентация учун турли хилдаги слайдлар намуналаридан фойдаланишни таклиф этади, масалан, слайдлар намуналари (образец слайдов), титул варақалари намуналари (образец титульных листов), тарқатма материаллар намуналари (образец раздаточных материалов), эслатма варақлари намуналари (образец листов заметок). Намуналар слайднинг ҳар бир варағида бўлиши керак бўлган элементлардан ташкил топади, масалан, компания белгисини ҳар бир слайдга алоҳида-алоҳида жойлаштириш шарт эмас, уни бир марта намунага жойлаштириш кифоя, шунда у презентациянинг ҳар бир слайдида автоматик суратда пайдо бўлади. Намунага жойлаштириш мумкин бўлган элементлар, булар - тасвирлар ёки расмлар, варақ номерлари, сана, презентация номи ёки масалан, «фақат компания ходимлари учун» деган баъзи бир эслатмалардир.

Шаблонлар


Презентация шаблони – дискда сақланган файл презентацияси бўлиб, слайдлар ва титул варақалари, ранглар чизмаси ва график элементларнинг маълум бир намуналари ҳисобланади. Ҳар бир шаблон маълум бир ёндошиш ёки маълум кайфиятни акс эттира олади. Шаблон презентациянинг ҳар бир слайди учун тааллуқли бўлади, аммо исталган вақтда янги шаблондан фойдаланиш ва слайднинг исталган характеристикасини ўзгартириш мумкин.

Объектлар ва структура

PowerPoint слайдлари объектлардан иборат. Слайдга матн, графика, расм, тасвир, MS Word жадвали, MS Excel электрон жадвали ёки исталган бошқа объектларни қўшиш мумкин. Объект билан ишлаш учун уни аввал белгилаш ва шундан сўнг унинг мазмуни ёки ўлчамларини, жойини ўзгартириш, нусха кўчириш ёки олиб ташлаш мумкин. Бундан ташқари объект атрибутларини, масалан, ранги, сояси, чегаралари ва б.ларни ўзгартириш мумкин.


PowerPointда слайдни яратиш жараёнида PowerPoint нинг автомакетлар деб аталувчи кучли воситасидан фойдаланиш мумкин. Автомакет слайдларнинг 20дан ортиқ турли структурасини ўз ичига олади. Тайёр макетлар ёрдамида турли объектларни жойлаштириш учун керак бўлган майдонларини ўз ичига олган слайдлар структурасини танлаш мумкин. Макетлар вақтни тежашга, янги слайдда объектларни яратиш ва уларни жойлаштириш ва текислаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради. Макетлар турли объектлар, масалан матн, тасвир, жадвал, диаграмма ва бошқо объектларни жойлаштириш учун турли вариантлар таклиф қилади. Слайдларда объектларнинг жойлашиш ўрни нуқталардан иборат узилган чизиқлардан ташкил топади ва тушунтирувчи матнлардан иборат бўлади, масалан, “Текст слайда” ёки “Щелкните значок, чтобы добавить содержимое” каби.

PowerPoint презентациясига янги слайд қўшилганда Разметка слайда майдонидан керакли макет турини танлаш мумкин:



Янги презентация яратиш

Фойдаланувчи учун кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида PowerPoint янги презентация яратишнинг бир неча усулларини таклиф этади:



- Новая презентация - бўш презентация яратиш;
- Из шаблона оформления - презентацияни шаблон ёрдамида яратиш;
- Из мастера авто содержания - презентацияни Мастер ёрдамида яратиш;
- Из имеющейся презентации – шакл ва мазмун жиҳатидан ўхшаш тақдимот асосида бошқа бир янги тақдимот яратиш;
- Фотоальбом яратиш.


Microsoft Excel 2003 дастурида ишлаш

Microsoft Excel ни ишга туширишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- Асосий менюнинг Программы банди орқали;
- Мой компьютер ойнаси орқали.

– Асосий менюнинг Найти банди ёрдамида.

Microsoft Excel файли ишга тушгач, унинг ойнаси пайдо бўлади:



Microsoft Excel файли бир ёки бир неча ишчи варақлардан иборат ишчи китоби ҳисобланади. Ишчи варағи эса қаторлар ва устунларнинг кесишмасидан ҳосил бўлган ячейка (каток)лардан иборат бухгалтерлик китобига ўхшаш бўлади. Битта ишчи варақи 65536 та қатор ва 256 устундан иборат жадвалдан иборат. Microsoft Excel ишчи варақларига сонлар киритиш ва сақлаш, керак бўлган тақдирда Microsoft Excel нинг буйруқлари ва ускуналари ёрдамида керакли ҳисоб-китоб ишларини бажариш мумкин. Microsoft Excelнинг нусха кўчириш, кўчириш, саралаш, диаграммалар тузиш ва бошқа жуда кўп функцияларидан фойдаланиб, компьютер экранидаги ва ҳужжатлардаги маълумотларни талаб этилган кўринишга келтириш мумкин.

Microsoft Excel ёрдамида маълумотларни ишчи варағига киритиш, ўзгартириш, олиб ташлаш, янгисини киритиш осон. Ишчи китобига янги

варақлар қўшиш ва керакли маълумотни осон топиш учун уларга ном бериш мумкин.

Ишчи варағида клавиатура ва сичқонча ёрдамида ҳаракатланиш мумкин. Қуйидаги жадвалда клавиатура ёрдамида ишчи варағида ҳаракатланиш учун фойдаланилиш мумкин бўлган тугма ва тугмалар мажмуалари келтирилган:

Қайси катакни жорий қилиш керак	Қайси тугма ёки тугмалар мажмуасидан фойдаланиш керак
Чап томондаги	←
Ўнг томондаги	→
Юқоридаги, аввалги қатордаги	↑
Пастдаги, кейинги қатордаги	↓
Бир экран юқоридаги	PageUp
Бир экран пастдаги	PageDown
Жорий катак жойлашган қаторнинг биринчи ва охириги катагини	Ctrl+← Ctrl+→
Жорий катак жойлашган устуннинг биринчи ва охириги катагини	Ctrl+↑ Ctrl+↓
Иш варағининг бошига	Ctrl+Home
Маълумотлар жойлашган блокнинг охириги катагини	Ctrl+End

Ҳар бир ишчи китоби бир нечта тоза варақдан иборат бўлиб, улар Лист1, Лист2 ва ҳ. деб номланади. Керак бўлган тақдирда ишчи китобига янги варақлар қўшиш, уларни номлаш ва керак бўлмаган тақдирда олиб ташлаш мумкин. Ишчи китобига яги варақ қўшиш Вставка менюсининг Лист буйруғи орқали амалга оширилди. Ортиқча варақларни олиб ташлаш эса Правка менюсининг Удалить лист буйруғи ёрдамида амалга оширилади.

Иш варағининг исталган катагига маълумот киритиш мумкин. Бунинг учун катакни белгилаш ва клавиатурадан керакли маълумотни киритиш лозим. Клавиатура ёрдамида терилаётган маълумот ҳам жорий катакда, ҳам формулалар сатрида пайдо бўлади. Киритилган маълумотни жорий катакка киритиш учун Enter тугмасини ёки сичқонча чап тугмасини бошға катакда босиш керак. Киритилган маълумотни Esc тугмасини босиш ёрдамида бекор қилиш мумкин. Маълумотни киритиш жараёнида хатога йўл қўйилса, уни Backspace тугмаси ёрдамида ёки матн курсорини сичқонча ёрдамида ёки йўналиш тугмалари ёрдамида керакли жойга келтириб тўғрилаш мумкин.

! Агар Enter тугмаси босилганда жорий катак ҳолати ўзгармаса, у ҳолда Сервис менюсининг Параметрў бўлимини танлаш ва Правка жойлашмасида Переход к другой ячейке майдониға белги (галочка)қўйиш керак.

Агар маълумотлар бўлаги(блоки) белгилаб олинса, катакларға маълумот киритиш осонлашади. Бу ҳолда Enter тугмаси босилганда маълумотлар устунлар бўйича юқоридан пастға қараб киритилади, бир устун бўлаги тугагач, кейинги устунға ўтилади. Tab тугмаси босилганда эса маълумотлар қаторлар бўйича чапдан ўнгға киритилади, битта қатор тугагач, маълумотлар кейинги қаторға киритила бошланади.

Агар катакларға маълумотлар (сонлар ёки матнлар) кетма-кетлигини киритмоқчи бўлсангиз, у ҳолда Автозаполнение (Автотўлдириш) имкониятларидан фойдаланишингиз мумкин. Масалан, биринчи катакка 1, иккинчи катакка 2 сонларни киритиб, қолган сонларни Автозаполнение (Автотўлдириш) ёрдамида киритиш мумкин. Шу каби ойлар номларини ва бошқа маълумотлар кетма-кетлигини ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари Автозаполнение (Автотўлдириш) ёрдамида янги маълумотлар кетма-кетликларини ҳам яратиш мумкин, масалан, ходимлар, бўлимлар, талабалар ва б. рўйхатларни.

Катакдаги маълумотларни олиб ташлаш керак бўлган тақдирда катакни белгилаш ва Del тугмасини босиш керак. Маълумотларни олиб ташлашнинг яна бир усули – катакни белгилаш ва сичқонча ўнг тугмасини босиб, пайдо бўлган

контекст менюдан Очистить содержимое буйруғини танлаш. Катакдаги маълумотларни олиб ташлаш ва янгисини киритиш керак бўлган тақдирда катакни белгилаш керак ва янги маълумотларни киритиш кифоя.

Жадвални безатиш

Ҳужжатни иложи борида кўримли қилиб безатиш лозим. Жадвални безатишни бир неча усуллар билан бажариш мумкин:

- Автоформат буйруғи ёрдамида;
- Копировать формат тугмаси ёрдамида;
- Форматирование ускуналар панели тугмалари ёрдамида.

Формат менюсининг Автоформат буйруғи ёрдамида стандарт форматлар жадвалидан мос сарлавҳалар, шрифтлар ранглари ва ёларни танлаб олиш мумкин. Автоматик форматлаш режимини ўрнатиш учун аввал керакли катакни белгилаш, сўнг Формат менюсининг Автоформат буйруғини танлаш лозим. Microsoft Excel жадвалларни форматлашнинг 16 усулини тақлиф этади.

Бирорта бир катакдаги маълумотга қўлланган форматлаш усулларини Копировать формат тугмаси ёрдамида кўчириш мумкин. Бунинг учун аввал қайси катакдан формат нусхасини кўчириш керак бўлган катак белгилаб олинади. Сўнгра Копировать формат тугмаси босилади ва форматни қайси катакка ёки катаклар бўлагига қўллаш соҳаси кўрсатилади. Копировать формат тугмасида сичқонча тугмасини бир марта босилса, ушбу форматни фақат бир марта битта катакка ёки кетма-кет жойлашган катаклар бўлагига қўллаш мумкин. Форматни биттадан ортиқ кетма-кет жойлашмаган катакларга ёки катаклар бўлагига қўллаш учун Копировать формат тугмасида сичқонча тугмасини икки марта босиш керак. Нусха кўчириш тугагач, Копировать формат тугмасини бир марта босиб ўчириш керак.

Формулалар билан ишлаш. Рўйхатлар тузиш

Катакларда жойлашган маълумотларни арифметик амаллар белгиларидан (қўшиш, айириш, тенглик) ва функциялардан ташкил топган формулалар ёрдамида қайта ишлаш мумкин. Microsoft Excel формулалар тузиш жараёнида сизнинг ишингизни енгиллаштиришга қаратилган бир неча юзлаб функцияларни таклиф этади. Масалан, Автосуммирование (AutoSum) буйруғи устунлар ва қаторлардаги маълумотларни қўшишга мўлжалланган СУММ(SUM) функциясидан фойдаланади. Мастер функций (Function Wizard) формулалар тузиш жараёнини енгиллаштиради.

Microsoft Excelда ишлаш жараёнида қўпинча устунлар ёки катаклардаги маълумотларни қўшишга тўғри келади. Бунинг учун ҳар сафар қўшиш формуласини қайта киритишингиз мумкин, аммо Microsoft Excel бу вазифани бажаришнинг осон йўлини таклиф этади. Стандартная панелининг Автосуммирование тугмаси бу вазифани бажариб, устунлар ва қаторлардаги маълумотларнинг йиғиндисини автоматик суратда ҳисоблайди. Автосуммирование тугмаси ёрдамида жорий катакка яқин тўрган белгиланган бўлакнинг устун ва қаторларини аниқлаш ва қўшиш ёки ихтиёрий белгиланган бўлакдаги маълумотларни қўшиш мумкин.

Белгиланган бўлакдаги маълумотларни қўшиш учун Автосуммирование тугмаси босилади ва белгиланган бўлакнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги текширилади. Агар бўлак тўғри белгиланган бўлса, у ҳолда Автосуммирование тугмаси ёки Enter тугмаси босилади.

Ихтиёрий бўлакдаги йиғиндини ҳисоблаш учун аввал керакли катаклар белгилаб олинади ва сўнгра Автосуммирование тугмаси босилади. Агар формула нотўғри тузилган бўлса уни ўзгартириш мумкин.

Диаграммалар билан ишлаш

Иш варақларида жойлашган маълумотлар рақамлар кўринишида бўлса, улар орасидаги боғланишни графиклар ёки диаграммалар ёрдамида кўрсатиш

мумкин. Масалан, катталикларнинг вақт оралиғидаги ўзгаришини графиклар кўринишида, катталиклар бир бутуннинг қанча қисмини ташкил этишини эса диаграммалар кўринишида тасвирлаш мумкин. Ташкил этилган диаграммаларга ўзгартиришлар киритиш мумкин, масалан, маълумотларни саралаш ёки илгари ҳисобга олинмаган маълумотларни қўшиш. Ишчи жадвалдаги маълумотларга ўзгартириш киритилса, диаграмма ҳам автоматик сурада ўзгаради.

Диаграммаларни иш китобининг битта ишчи варағида ёки алоҳида ишчи варағида яратиш мумкин. Иш варағида ташкил этилган диаграммалар жойлаштирилган (внедренная) дейилади. Бу ҳолда иш варағида бир вақтнинг ўзида ҳам маълумотларни, ҳамда диаграммани кузатиш мумкин. Агар диаграмма алоҳида иш варағида жойлашган бўлса, бу варақ диаграмма варағи дейилади. Бу ҳолда эса диаграмма маълумотларни тўсиб қўймайди ва жадвал жойлашган варақдан диаграмма жойлашган вараққа ёки орқага тез ўтиш мумкин.

Иш варағида диаграмма яратиш учун аввал унда инобатга олиниши керак бўлган маълумотлар белгилаб олинади ва Диаграммалар устаси (Мастер диаграмм) чақирилади. Яратиладиган диаграмма қандай маълумотлар белгилаб олинганлигига боғлиқ. Сиз бир қатор(устун) ёки бир неча қатор(устун) маълумотларни белгилаб олишингиз мумкин. Агар айлана диаграммалар яратиш керак бўлган тақдирда фақат бир қатор(устун) маълумотларни белгилаб олинади, яъни бир неча қатор(устун) маълумотлар белгилаб олинган тақдирда ҳам айлана диаграммалар фақат биринчи қатор(устун) маълумотларни акс эттиради. Бир неча қатор маълумотларини соҳалар диаграммаси (диаграмма с областями) да ёки чизиқли диаграмма(линейчатая диаграмма) да акс эттириш мумкин.

График кўринишни акс эттириш мақсадида маълумотлар белгилаб олинган, диаграмма жойлаштирилиши керак бўлган жой танланади. Диаграмма жойлашган соҳа ўлчами ихтиёрий равишда танланади, чунки диаграмма ўлчами ва жойланишини исталган вақтда ўзгартириш мумкин.

Маълумотлар омборини бошқариш тизими

Маълумотлар омборини бошқариш **тизими** (МОБТ) дастурий восита бўлиб, маълумотлар омборини яратиш, тўлдириш, ўзгартириш ва у билан ишлаш имконини беради.

Дунёда МОБТнинг турлари кўп булиб, аксарияти тугатилмаган маҳсулот сифати, махсус дастурлаш тиллари бўлиб ҳисобланади. Булар қаторига Oracle, Clipper, Paradox, Foxpro, Karat ва бошқа МОБТлар киради.

Маълумотлар омборини (МО) яратиш учун дастур тузиш зарурлиги маълумотлар омборининг кенг тарқалишига тўсиқ бўлиб келган, чунки бу жараён анча мурракаб бўлиб катта сарф-харажатларни ўз ичига олади.

Бундай ҳолат **Microsoft Office** таркибида **MS Access** дастурининг яратилиши билан тубдан ўзгарди. Чунки MS Access ёрдамида оддий фойдаланувчи дастур тузмасдан катта ва мураккаб бўлган маълумотлар омборини яратиш ва қўллаш имкониятига эга бўлди. MS Access дастурининг бир неча версиялари мавжуд булиб, уларнинг кўп хусусиятлари ўхшаш, аммо бир –биридан имконият даражаси билан фарқланади.

MS Access дастури дастурлашни инкор қилмайди, агар яратилган MOra қўшимча имкониятлар қўшиш керак бўлса, буни Visual Basic дастурлаш тили ёрдамида амалга ошириш мумкин. Access дастурининг яна бир афзаллиги шундан иборатки, у Microsoft Office таркибига кирувчи бошқа дастурлар билан (масалан Word, Excel ва х.к.) мос тушади.

Қуйидаги жадвалда Microsoft Office дастурларини охириги версияларининг тизимли эҳтиёжларини фарқларини кўришимиз мумкин:

Компонент	Office 2003	Office 2007	2010
Office			
Компьютер ва процессор	233 МГц	500 МГц	500 МГц
Хотира (ОЗУ)	128 МБ	256 МБ	256 МБ
Қаттиқ диск	400МБ	2ГБ	3ГБ
Монитор	800 x 600	1024 x 768	1024 x 576

Назорат саволлари:

1. MS Office дастурларининг асосий вазифалари нимадан иборат?
2. Microsoft Office 2003 нинг қандай имкониятларини биласиз?
3. Microsoft Office 2007 нинг қандай имкониятларини биласиз?
4. MS Word дастурининг қандай турлари, вазифалари, имкониятлари мавжуд?
5. MS Word дастури қандай ойна тузилиши (структураси)га эга?
6. Power Point дастурининг ойнаси қандай тузилишга эга?
7. MS Excel ойнаси элементлари нималардан иборат?

4–маъруза

Интернетга уланиш технологиялари. Интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари.

Режа:

1. Компьютерларни бир-бири билан боғлаш.
2. Локал, минтақавий ва глобал компьютер тармоқлари.
3. Глобал тармоқ ва Интернет тушунчаси.
4. Интернет тармоғининг тузилиши.
5. Телефон линияси орқали интернетга уланиш.
6. Мобил алоқа воситалари ёрдамида интернетга уланиш.
7. Модем тушунчаси ва унинг вазифаси.
8. Ўзбекистон Республикасидаги Интернет тармоғининг ривожланиши.
9. Интернет тармоғи вазифаси ва ундан фойдаланиш мақсадлари.
10. Интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари.

Таянч атама ва иборалар:

Ахборот - коммуникацион технологиялари, интернет, мобил алоқа хизмати, электрон почта хизмати, замонавий ахборот технологиялари, жараён, таянч станциялар, абонентлар, тизим, миждоз, оператор, телефон, коммуникатор, планшет, интернет планшетлар, виртуал кўриниш, Локал тармоқ, оптик тола, сунъий йўлдош алоқаси, радиоканал, ажратилган коммутацияланмайдиган телефон линияси ,провайдер, сервер, дастур, портал, интерфейс, домен, манзил, глобал, Web–сайт.

Компьютерларни бир-бири билан боғлаш. Компьютерлар орасида маълумот алмашиш ва умумий масалаларни биргаликда ечиш учун компьютерларни бир-бири билан боғлаш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Компьютерларни бир-бири билан боғлашда икки хил усулдан фойдаланилади:

1. Кабел ёрдамида боғлаш. Бунда компьютерлар бир-бири билан коаксиал, ўралган жуфтлик кабелли (UTP) ёки шиша толали кабеллар орқали махсус тармоқ плати ёрдамида боғланади.

2. Симсиз боғланиш. Бунда компьютерлар бир-бири билан симсиз алоқа воситалар ёрдамида, яъни радио тўлкинлар, инфрақизил нурлар, WiFi ва Bluetooth технологиялари ёрдамида боғланади.

Локал, минтақавий ва глобал компьютер тармоқлари. Компьютер тармоқларини уларнинг географик жойлашиши, масштаби ҳамда хажмига қараб бир нечта турларга ажратиш мумкин, масалан:

Локал тармоқ - бир корхона ёки муассасадаги бир нечта яқин бинолардаги компьютерларни ўзаро боғлаган тармоқ.

Минтақавий тармоқлар – мамлакат, шаҳар, ва вилоятлар даражасида компьютерларини ва локал тармоқларни махсус алоқа ёки телекоммуникация каналлари орқали ўзаро боғлаган тармоқлар.


Глобал тармоқлар - ўзига бутун дунё компьютерларини, абонентларини, локал ва минтақавий тармоқларини телекоммуникация (кабелли, симсиз, сунъий йўлдош) алоқалари тармоғи орқали боғлаган йирик тармоқ.

Интернет тушунчаси. Интернет бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи икки хил талқин қилинади, яъни “International Network” – халқаро тармоқ ва “Interconnected networks” «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпладан ташкил топади.

Интернет тармоғи, унга уланган барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб беради. Интернет тармоғининг ҳар бир мижози ўзининг шахсий компютери орқали бошқа шаҳар ёки

мамлакатга ахборот узатиши мумкин. Масалан, Вашингтондаги Конгресс кутубхонаси каталогини кўриб чиқиш, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейининг охирги кўргазмасига қўйилган суратлар билан танишиш, халқаро анжуманларда иштирок этиш, банк муомалаларини амалга ошириши ва ҳатто бошқа мамлакатларда истиқомат қилувчи Интернет тармоғи мижозлари билан шахмат ўйнаш мумкин.

Глобал тармоқ тушунчаси. Интернет тармоғининг асосий ячейкалари (қисмлари) бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Интернет тармоғи – бу глобал тармоқ вакили ҳисобланади.



Интернет алоҳида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компьютерлар гуруҳини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради. Агар биронбир маҳаллий тармоқ бевосита интернетга уланган бўлса, у ҳолда мазкур тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси (компьютери) Интернет хизматларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Интернет тармоғига мустақил равишда уланган компьютерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни хост компьютерлар (host – асосий ҳисоблаш машинаси) деб аташади. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер ўз манзилига эга ва у ёрдамида дунёнинг исталган нуқтасидаги исталган фойдаланувчи билан мулоқот қила олиши мумкин.

Интернет тармоғининг тузилиши. Интернет ўз - ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим бўлиб, асосан учта таркибий қисмдан ташкил топган:

- техник;
- дастурий;
- ахборот.

Интернет тармоғининг техник таъминоти ҳар хил турдаги компьютерлар, алоқа каналлари (телефон, сунъий йўлдош, шиша толали ва бошқа турдаги тармоқ каналлари) ҳамда тармоқнинг техник воситалари мажмуидан ташкил топган.

Интернет тармоғининг дастурий таъминоти (таркибий қисми) тармоққа уланган хилма-хил компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) ишлашни таъминловчи дастурлар.


Интернет тармоғининг ахборот таъминоти Интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон ҳужжатлар, график расм, аудио ёзув, видео тасвир, веб-сайт ва ҳоказо кўринишдаги ахборотлар мажмуасидан ташкил топган.

Интернетнинг иккита асосий вазифаси бўлиб, бунинг биринчиси ахборот макони бўлса, иккинчиси эса коммуникацион воситасидир.

Интернетга боғланиш. Интернет тармоғига уланиш ажратилган алоқа канали (оптик тола, сунъий йўлдош алоқаси, радиоканал, ажратилган коммутацияланмайдиган телефон линияси) бўйича доимий уланиш, шунингдек коммутацияланадиган, яъни узиб-уланадиган уланиш (Dial-up access, Dial-up) кўринишида амалга оширилади.

Телефон линияси орқали интернетга уланиш. Интернет тармоғига оддий телефон тармоқлари орқали стандарт модем қурилмалари ёрдамида уланиш мумкин. Телефон линияси орқали Интернетга уланишда модем қурилмасидан ташқари махсус дастурдан (протокол) ҳам фойдаланилади. Бунда ушбу дастур ёрдамида Интернетга уланганда телефон линияси банд қилинади, сеанс тугатгандан сўнг телефон тармоғи бўшатилади ва унда бошқа фойдаланувчи фойдаланиши мумкин. Интернетга уланишни амалга оширувчи дастурнинг ютуғи шундаки, улар Интернетга тўғридан тўғри уланишга имкон беради.

Телефон линияси орқали «Чақирув» бўйича Интернетга боғланиш Интернет хизматларини тақдим этувчи провайдер билан мижоз ўртасида амалга оширилади. Бунда фойдаланувчи мантиқий ном (логин) ва махфий белги (парол) ёрдамида Интернетга тўғридан-тўғри уланади.



Мобил алоқа воситалари ёрдамида интернетга уланиш. Интернет тармоғига нафақат кабел ёки телефон линияси орқали симли уланиш мумкин, балки мобил алоқа воситалари ёрдамида симсиз уланиш ҳам мумкин. Интернет тармоғига симсиз уланиш компьютер орқали ёки мобил телефоннинг ўзида амалга оширилади. Агар компьютер орқали Интернетга симсиз уланиш керак бўлса, у ҳолда компьютердан ташқари Интернет хизматларини тақдим этувчи оператор ёки провайдернинг симсиз ишловчи модеми ёки худди шу вазифани бажарувчи мобил телефон аппарати зарур.

Агар мобил телефоннинг ўзида туриб Интернетга боғланиш ёки ундан фойдаланиш керак бўлса, у ҳолда Интернет хизматларини кўрсатувчи мобил операторнинг мижози бўлишингиз ва унда GPRS хизмати ёқилган бўлиши талаб қилинади. Мобил алоқа воситалари ёрдамида Интернетдан фойдаланилганда WAP технологияси интернетдан симсиз фойдаланиш имконини беради. Мобил алоқа тармоқларида сўровларни ва маълумотларни узатиш учун GPRS транспорт хизматидан фойдаланилади.



Модем тушунчаси ва унинг вазифаси. Модем модулятор-демодулятор сўзларининг қисқартмаси ҳисобланади. Ушбу қурилманинг асосий вазифаси компьютердан олинган рақамли сигнални узатиш учун аналог шаклига айлантириш ва қабул қилинган сигнални аналог шаклдан рақамли шаклга қайтариш ҳамда алоқа каналлари бўйлаб узатишдан иборат. Модем сигнални (ахборот) телекоммуникация каналлар бўйлаб узатишни таъминлайди. Модем ёрдамида интернетда оддий аналог телефон тармоғи орқали боғланиш мумкин. Бундай модемларнинг назарий жихатдан энг юқори фойдаланиш тезлиги 56 Кб/сек. ни ташкил этади.

Модем ички ва ташқи турларга бўлинади ва ҳар иккаласи ҳам интернетга ёки телекоммуникация тармоқларига уланиш учун хизмат қилади.



Ташқи факс/модем



Симсиз модем



Ички модем

Ўзбекистон Республикасидаги Интернет тармоғининг ривожланиши. Республикамизда миллий Интернет-сегментини ривожлантириш бўйича ишлар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада

ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури”га асосан амалга оширилмоқда.

Республика телекоммуникация тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари учун Интернет хизматларидан фойдаланиш борган-сари енгил бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикада Интернет фойдаланувчиларининг умумий сони 7,3 млн. кишидан ортди, шундан 3,5 млн. киши, яъни 1000 та фуқародан 111таси алоқа линиялари орқали Интернетга шахсий компьютерлари орқали уланади. Мобиль Интернет фойдаланувчиларининг сони эса ҳозирги кунда 3,8 млн. кишини ташкил этади.

Республикада АКТни ривожлантиришга бўлган катта эътибор туфайли Интернет тармоғида миллий ресурслар сони йилдан йилга ортмоқдан. Ҳозирги кунда республикада .UZ домен зонасида иккинчи даражали домен номларини рўйхатга олиш бўйича бир нечта регистраторлар фаолият кўрсатади: Tomas, Billur.com, Arsenal-D, Sarkor Telecom, BCC, TV-Info ва Simus.

Миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича Ҳукумат қарорлари ва чора-тадбирлар режасини амалга ошириш натижасида .UZ Миллий домен зонасидаги домен номларининг сони йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, 01.01.2011й. ҳолатига .UZ Миллий домен зонасидаги домен номларининг сони 11088 тани ташкил этди, йил бошига нисбатан бўлган ўсиш 16%ни ташкил этди.

Маълумотларни узатиш, жумладан, Интернет тармоғига улаш хизматларни тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг сони бугунги кунда 982тани ташкил этади, жамоа фойдаланиш пунктларининг умумий сони эса 1025тага етди.

Провайдер ва операторларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрида жойлашганлигига қарамай, республикамизнинг бошқа ҳудудлари, айниқса Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам провайдер ва операторлар сонининг барқарор ўсиши кузатилмоқда.

Интернет тармоғи вазифаси ва ундан фойдаланиш мақсадлари. Интернет тароғининг вазифаси интернет тармоғи абонетларига веб-ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файл узатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматини кўрсатиш. Интернет тармоғидан ахборотларни алмашиш, масофавий таълим олиш, конференциялар ўтказиш, веб-сайтларни ташкил этиш, электрон почтани жорий қилиш, мулоқот ўрнатиш ва шу каби мақсадларида фойдаланилади.

Интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари. Эътибор бериб, келтирилган веб саҳифалар таҳлил қилинса қуйидаги салбий ҳолатлар ва камчиликлар учраб туради:

1. Фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтишмайди;
2. Номқабул фото суръатлар қўйишади;
3. Ўзаро мулоқатларда ҳурматсизлик қилишади;
4. Бемаъни гаплар ёзадилар, баъзан нотўғри маълумотлардан фойдаланади;
5. Саҳифалар ижтимоий бўлишига қарамасдан сиёсий мулоқатлар ўрнатадилар ва ҳокоза.

Демак, Ижтимоий тармоқларда маълумотлардан, шу жумладан шахсий маълумотлардан фойдаланиш маданияти деганда, юқорида келтирилган салбий ҳолатлар ва камчиликларга йўл қўймаслик тушунилади.

Унутмаслик керакки, маълум бир шахс томонидан Интернет тизимига қўйиладиган маълумотлар бошқа шахслар ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан турли мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин. Шу жумладан маънавият ва маърифатга зид ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланилганда у ердаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига, Сизни алдашмаётганлигига иқдор бўлиб, сўнгра маълум бир қарорга келиш керак.

Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарларни алмашиш маданияти. Ҳаётдаги этика каби электрон почтада ҳам этика мавжуд. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз:

- Почтангизни тез-тез ўқиб тулинг. Кўпчиллик фойдаланувчилар ўз хатларини фақатгина бўш вақтларидагина ўқийдилар. Бу корреспондентларга нисбатан бўлган беҳурматликдир. Бунинг оқибатида сиз жуда ҳам муҳим бўлган ахборотни қўлдан бой беришингиз мумкин. Фойдаланувчи почтасини ҳар доим, ўз вақтида ўқиб бориши лозим.

- Хатда албатта сарлавҳа (subject) кўрсатиш зарурдир. Бу мижозларни ортиқча ишлардан қутқаради.

- Хатингизни оловчини билинг ва ҳурмат қилинг.

- Хатни хатосиз ёзинг. Грамматик ва орфографик хатолар билан ёзилган хат жўнатувчи тўғрисида яхши таассурот қолдирмайди.

- Қисқа ёзинг. Электрон почтада ёзаётган хатингизни мазмунини қисқа ва аниқ кўрсата билинг. Хатингиздаги хатолар ва фикрдан чиқиб кетишлик биринчи ўринда хатингизни эмас, балки сизнинг ўзингизни характерлайди.

- Ўз хатингизни бошқа манзилларга кўчиришликдан сақланг. Ўз хатингизни фақатгина шу хат тегишли бўлган манзилларга жўнатиш. Акс ҳолда, хатларни кўп манзилларга жўнатиш ҳамкорларингизда яхши таассурот уйғотмаслиги мумкин.

- Керак бўлмаган тақдирда ўз хатингизга жавоб ва сўровлар йўлланг. Керак бўлмаган тақдирда «илтимос жавоб беринг» ёки «илтимос хатни тасдиқланг» каби сўровларни йўлланг.

- Сўровларга тўлиқ жавоб беринг. Сўровларга жавоб беришда қисқа «ҳа» ёки «йўқ» каби жавоб берманг. Бу ҳол хат оловчида тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Салбий ва ижобий ресурсларга эга бўлган веб сайтлар ва уларнинг аҳамияти :

1.Интернетнинг ички таҳдидлари тармоқ ахборот маконининг аҳволи ва ривожланиши учун салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар:

- Тармоқнинг ортиқча юкланганлиги туфайли ахборот коллапси (қулаши)
- Хакерларнинг маълумотларни йўқ қилиши ёки ўзгартириши
- Боғламалар ва трафикни “четлаб ўтиш” йўналишларини блокировкалаш мақсадида уюштирган ҳужумлари;
- коммуникация каналларининг тасодифий ёки уюштирилган авариялари;
- ахборот-излаш тизимларининг мукамал эмаслиги;
- протоколларнинг “маънавий” эскириб қолиши ва бошқалар

2.Интернетнинг ташқи таҳдидлари фойдаланувчилар учун салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар.

3.Ташқи таҳдидлар технологик ва ижтимоий бўлиши мумкин:

- Технологик: тезлиги секин каналлар; тармоққа уланишнинг унумсиз услублари; олиб келтирилган вируслар; ахборот “тошқини” ва ҳ.к.
- Ижтимоий: фойдаланувчиларнинг жисмоний ва рухий соғлиғига бўлган таъсир; инсоннинг шахсий онгига бўлган таъсир; ахборот террори, жинояти ва бошқалар

Назорат саволлари:

1. Интернет технологиясига тегишли баъзи атамаларнинг таърифлаб беринг.
2. Интернетдан фойдаланишни таъминловчи қандай зарур жиҳозларни биласиз?
3. Компьютер тармоқларининг қандай турларини биласиз?
4. Интернет тармоғи вазифаси нимадан иборат?

5. Интернетда ишлаш ҳукукий ва ахлоқий асослари ҳақида нималарни биласиз?
6. Салбий ва ижобий ресурсларга эга бўлган веб сайтлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўзланг.

5–маъруза

Интернетга уланиш технологиялари. Интернетда ишлаш ҳукукий ва ахлоқий асослари.

Режа:

1. WWW тушунчаси.
2. Интернет провайдерлари ва уларнинг вазифалари.
3. Интернет тармоғи хизматлари ва улардан фойдаланиш.
4. Броузер тушунчаси ва уларнинг вазифаси.
5. Браузернинг таркиби элементи.
6. Глобал тармоқнинг қидирув хизматлари.
7. Маълумот қидириш усуллари.

Таянч атама ва иборалар:

Интернет провайдерлари, гиперматн, WEB серверлар , таянч станциялар, IP манзил , броузерлар , хостинг , планшет, интернет планшетлар, виртуал кўриниш, Internet Explorer, Opera, FireFox, Google

Хром, Safari. манзил қатори, навигацион тугмалар, қидирув қатори, контекст менюс, хонадон саҳифаси, вкладкалар, танланганлар.

WWW тушунчаси. WWW (World Wide Web) – бутун жаҳон ўргамчак тўри деб номланувчи тармоқ. WWW – бу Интернетга уланган турли компьютерларда жойлашган ўзаро боғланган ҳужжатларга мурожаат қилишни таъминлаб берувчи тарқоқ тизимдир. Айнан мана шу хизмат Интернетдан фойдаланишни соддалаштирди ва оммавийлаштирди. WWW асосида тўртта пойдевор мавжуд:

1. Барча ҳужжатларнинг ягона формати (шакли);
2. Гиперматн;
3. Ҳужжатларни кўриш учун махсус дастурлар (броузер);
4. Ягона манзилни кўрсатиш тизими (домен);

Интернет провайдерлари ва уларнинг вазифалари. Интернет провайдер – Интернет тармоғи хизматларини тақдим этувчи ташкилотдир. Ҳозирги кунда Интернет провайдерларининг икки тури мавжуд: Интернетга уланиш ва уланиш каналларини тақдим этувчи провайдер ва Интернет хизматларини тақдим этувчи провайдер.

Интернет хизматларини тақдим этувчи провайдерлар томонидан www, электрон почта, хостинг (веб ресурсларни жойлаштириш) каби Интернет хизматлари кўрсатилмоқда. Интернетга уланган тармоқларни қуришда ундаги компьютерларга бериладиган манзиллар (IP манзил) провайдер томонидан тақдим этилган ораликдан танлаб олинади.

Провайдер томонидан берилган манзилларга эга бўлмаган компьютерлар маҳаллий тармоқлар учун захиранолган ораликдаги манзилларга эга бўлиши ва маҳаллий тармоқ компьютерлар билан ишлаши мумкин.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси бир қанча Интернет провайдерлари хизмат кўрсатмоқда, булар: UzNet, Sarkor Telecom, Sharq Telecom, TPS, ARS Inform, Cron Telecom ва бошқалар.

Интернет тармоғи хизматлари ва улардан фойдаланиш. Интернет тармоғи абонентларига амалий протоколлар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар қуйидагилар: веб-ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файлларни узатиш ва қабул қилиш, мулоқатда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш. Фойдаланувчилар учун қуйидаги хизматлар мавжуд: тармоқдан фойдаланиш, интернет ресурсларини яратиш, ташкилий ва ахборот таъминоти, тармоқда рекламани жойлаштириш.

Броузер тушунчаси ва уларнинг вазифаси. Интернет тармоғида фойдаланувчиларга тармоқ ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятини бериш учун WEB серверлар қурилади. Бундай серверларда Интернетда тақдим этилган ахборотнинг катта қисми жамланади. Фойдаланувчининг ихтиёрий ахборотни олиш тезлиги бундай серверларни қандай қуришга боғлиқ.

WEB-технологиясининг ҳозирги кунда браузерлар деб аталадиган ахборотни кўриш учун мўлжалланган ўндан ортиқ турли воситалар мавжуд. Броузер веб-саҳифаларни кўриш дастури ҳисобланади. Бунда браузерга юкланган веб саҳифадаги Гипербоғланишга сичқонча кўрсаткичи билан босилса, автоматик равишга ушбу боғланишда кўрсатилагн саҳифа браузерга юкланади. Бундай ҳоллар ҳеч қандай саҳифанинг манзилини киритиш шарт эмас, чунки гипербоғланиш барча керакли маълумотга эга ҳисобланади. Броузер веб-саҳифада HTML тегларини топиб, улар талаби бўйича маълумотни экранга чиқаради. Тегларнинг ўзи эса экранда акс эттирилмайди.

Броузер инглизча сўз бўлиб, кўришни таъминлаш, кўрсатиш маъносини англатади. Биринчи Web браузер 1990-йил CERN(Европа Ядровий Тадқиқотлар Кенгаши) ходими Тим Вернерс Ли томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунгача жуда кўп Web-браузерлар ишлаб чиқилган. Биринчи браузер дастури NCSA Mosaic 1993 12 апрелда Марк Андерсон ва Эрик Бин томонидан яратилган. Браузер худди “калит” сингари Интернетга кириш учун биринчи ва асосий вазифани бажаради, унинг ёрдамида тармоқдаги барча хизматлардан фойдаланиш: саҳифани кўриш, почтани текшириш, суҳбатлашиш, керакли файлларни кўчириб олиш мумкин.

Бугунги кунда браузерларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд. Энг машҳурлари: Internet Explorer (Windows операцион тизим таркибидаги дастур), Opera, FireFox, Google Xrom, Safari.



Internet Explorer



Opera



Firefox

Internet Explorer 1990 йиллардан бошлаб Windows платформасининг барчасига ўрнатилиб келган стандарт браузер ҳисобланади. Унинг асосчиларидан бири ахборот коммуникация соҳасида муваффақиятли бизнес бошлаган мултимиллиардер Билл Гейтсдир. Бу инсон Интернетнинг имкониятларидан бохабар бўлиб, унинг ишлашини тобора чуқурроқ ўргангани сайин ўз инвестицияларининг кўп қисмини Интернетнинг ривожига кирита бошлади. Машҳур мовий рангдаги “е” ҳарфи билан ифодаланувчи браузер айнан унинг ҳаракатлари натижаси бўлиб, 1998-йилдан 2009-йилгача Microsoft компанияси “Internet Explorer” ни ҳар бир компьютерга ўрнатилган Windows операцион тизимига Интернетни акс эттирувчи рамз сифатида кирита бошлади. Браузерлар турлари кўпайгани сари бундай монополияга чек қўйилди. Бугунги “Internet Explorer”нинг айрим техник жиҳатларидаги камчиликларини санаб ўтайлик:

- WWW стандартига тўлиқ жавоб бермайди (баъзи саҳифалар очик тасвирланмайди, баъзи сайтлар кўрсатилмайди);
- Браузернинг ҳимоя воситасида бир қанча носозликлар бўлиб, улар ишлаётган пайтда намоён бўлади;
- Аксарият фойдаланувчилар фикрига кўра у web сайтларни юклашда ноқулай бўлиб, секин ишлайди;
- Компьютер ишини бир оз секинлаштириши мумкин.

Ушбу камчиликларга қарамай Internet Explorerнинг устун томони ҳам бор- у мавжуд ва биз ундан фойдаланишда давом этмоқдамиз. Статистика бўйича сўнгги йилларда Internet Explorerнинг ҳаммабоплиги 15 мартага пасайган. 2006-йилда Internet Explorerни 75-80% фойдаланувчилар ишлатган бўлса, бугун кўрсаткич 50%га камайган.

Firefox – инглиз тилидан таржимаси “оловранг тулки” маъносини билдирувчи мазкур браузер, Internet Explorerнинг жиддий рақиби. У Mozilla проектидан ҳосил бўлиб, даставвал “Netscape Communicator” деб номланган. Netscape Communicator компаниясининг жуфтлигидан Netscape чеккага чиққанидан кейин, Communicator ўрнини тижорий браузер – Mozilla эгаллади. Лекин фойдаланувчилар янги браузер учун пул тўлашни истамади, натижада Netscape ўз ишини жонкуяр дастурчиларга фойдаланишга топширди. Лойҳа Open Source – “фойдаланиш учун очик” тарзига ўтказилиб, Интернетга очик тарзда жойлаштирилди. Шундан кейин уни Firefox деб номлашди. Дастурни такомиллаштириш учун бутун ер юзидан 100 мингдан ортиқ жонкуяр дастурчилар ишга киришди. Уларнинг ҳар бири дастурдаги бирор элементни ривожлантириш, кучайтириш, такомиллаштириш билан шуғулланди. Натижада, “оловранг тулки”нинг биринчи кўриниши омадсиз чиққанига қарамай, у Internet Explorerни ортда қолдира олди.

Firefoxнинг айрим техник имкониятларини келтириб ўтамыз:

- Браузер анча тез ишлайди;

- Юқорида тилга олинган носозликлар, FireFoxда ҳам мавжуд, аммо уни доимий такомиллаштириб борган дастурчилар кўпчиликни ташкил қилгани боис камчилик тезда бартараф этилди;
- Браузернинг дизайни фойдаланувчи ўзига мослаштириш учун имкониятлари кўпроқ;
- Ҳозирги кунда нисбатан хавфсиз браузерлардан биридир.

FireFoxда Internet Explorerда мавжуд бўлмаган жиҳатлар ҳам бор. Масалан, маълумотларни юклаб олиш учун махсус воситалар, қулай филтрлар, тасвирларни юклашда мўлжалланган менеджер ва RSS – янгиликлар лентаси хизмати шулар жумласидан.

Opera - дунё бўйича биринчи ўриндаги браузердир. Internet Explorer ва Mozilla FireFox бир-биридан орқада қолмаслик учун ҳаракат қилаётган бир пайтда, яна бир рақиб сездирмасдан пайдо бўлди. Opera Software командаси юқорида келтирилган икки браузердан фарқли ўлароқ, янги маҳсулотни анча енгил, ихчам ва тезкор қилиб яратди. Унинг ҳажми 1,5 МБ, браузер саҳифаларни тез юклайди, ишни секинлаштирувчи ортиқча элементлари йўқ, график саҳифалар мукамал яратилган, Internet Explorerдан фарқли равишда Операда даставвал матн кўринади, кейин эса тасвир, кераксиз маълумотлар тез ўчирилади, зарур маълумот ва тасвирларни танлаш ва сақлаб қўйиш мумкин. Опера ҳаммада мавжуд бўлган стандартда ишлай олади. Ноутбук- поратив компьютерлар учун ҳам у афзал ҳисобланади. Сабаби, Опера ноутбуклар, офис компьютерлари ва секин ишлайдиган компьютерлар учун жуда қулайдир.

Опера вақт ўтгани сайин анча такомиллашиб бормоқда. Почтани текшириб, блоглар билан ишлаш учун қулай модуллар, реклама филтрлари, турли хил сайтлардан видеороликларни кўчириш имкониятлари яратилган. Бундан ташқари, ундан Download Master (юклаш хизмати), RSS, почта torrent-klient ва messenger- қисқа хабарлар хизмати дастурлари мавжуд. Мазкур браузернинг ихчамлиги, ишончилиги ва тезкорлиги ундан фойдаланувчилар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда. Статистик

маълумотларга кўра, Интернетдан фойдаланувчиларнинг 15-20% Opera хизматидан фойдаланади, унинг уяли алоқа телефонлари ва чўнтак компьютерлари учун махсус бўлимлари мавжудлиги боис тобора оммалашмоқда. 2009-йилда Операнинг 10-тури Opera Unit ишлаб чиқилди. Унинг имкониятлари фойдаланувчиларга қисқа вақт ичида файлларга кириш, фотоальбом, музикаларни тез излаб топишга ёрдам беради.

Google Xrom. 2008-йилда пайдо бўлган Google браузерни тўртинчи браузер бўлди. У фаолият бошлаши биланок, “йил дастури” номига сазовар бўлди. Firefox ва Операдан фарқли равишда, ушбу браузер ўзининг оддийлиги ва ишончли экани билан бошқалардан фарқ қилади. Иш функциясига кўра, Google Xrom Firefox ва Операдан анча орқада, лекин Xrom рақибларига қараганда саҳифаларни тез очиб бера олади, унда носозликларнинг камлиги учун зарарли манбаларнинг кириши қийин, браузерда ҳамма нарса кўз олдида, зарур маълумотлар ўз жойида, этиборни жалғитувчи юк йўқ. Ҳозирда 10% одамлар Google Xromдан фойдаланмоқда.

Safari – бу браузер Apple корпорацияси томонидан яратилган бўлиб, Makintosh операцион тизими стандарт пакетига киради. Microsoft Windows оиласига мансуб операцион тизимларга илова сифатида бепул тарқатилади. 2010-йилнинг июнь ҳолатига кўра, фойдаланувчилар сони бўйича 4-ўринда туради, бироқ АҚШ да ниҳоятда оммабоп бўлиб, рейтингда биринчи ўринга эга. 2007-йилнинг 11-июнида корпорация томонидан тест намунаси чиқарилди. Аммо унинг тезлиги ва хусусиятлари одатий Explorer7, Firefox2дан анча фарқ қилади. Шундан сўнг Safariнинг 3.1, 3.1.1 тўлиқ версиялари ишлаб чиқилди. Унинг дастлабки кўриниши одатий браузердан тубдан фарқ қилгани боис, охириги Safari 4.0 нинг интерфейси Windows фойдаланувчилари учун мосроқ қилиб ишланган. Айнан шу Safari4 версиясининг фойдаланувчилар учун мақбул бўлган жиҳати нафақат унинг дизайни ва график кўринишдаги нозик дидлиги, рангларнинг анча оч ва ёқимлилиги эканида, балки web саҳифалар билан ишлаш учун яратилган қулайликдир. Унинг оммавийлашувининг яна бир сабаби, Appleнинг iPad

планшет компьютерлари ва русумга кираётган iPhone қўл телефонларида қўлланилаётганидир.

Қайси браузерни танламанг, интернетда ишлаганда бир хил иш қуроллари қўлланади. Даставвал, браузернинг тузилишини кўриб чиқамиз. Унинг таркибига қуйдаги элементлар киради:

Манзил қатори(адресная строка). Интернетга саёҳат қилишдан олдин керакли манзил танланади (масалан, yandex.ru), сўнг Enter тугмаси босилади. Саҳифаларни янгилаш учун манзилини янгидан киритиш керак бўлмайди, ишни сичқонча ёрдамида давом эттирамиз. Манзил қаторидаги манзилнинг тўлиқ шакли қуйдагича бўлиши мумкин: <http://www.yandex.ru> Аммо, http:// префиксини ёзиш кўп ҳолларда шарт эмас, чунки у манзилдан олдин автоматик равишда қўллаиди, баъзан www ни ҳам ёзиш шарт бўлмайди, негаки, браузер уни ўзи қўшиб, манзилни акс эттиради. Электрон манзилни ёзаётганда ҳарфларнинг катта ёки кичиклиги ҳам муҳим эмас. Интернетда давомий ишлаб, турли хил саҳифалардан фойдаланиш натижасида браузернинг адрес қатори кенгайиб, кейинги сафар манзиллар киритилганда, браузер фойдаланувчига ёрдам тариқасида ўхшаш е-манзилларнинг рўйхатини таклиф этади, бу эса ўз навбатида, иш фаолиятини анча енгиллаштиради. Демак, сиз қайтадан ҳарфларни териб ўтирмай, очилган ёрдамчи ойнада келтирилган рўйхатдан зарур манзилни танлаб, сичқончанинг ўнг тугмасини боссангиз бас. Шу билан бирга, яна бир қулайликни айтиб ўтиш зарур, агар манзиллар қаторига нотаниш сўз ёки жумла ёзилса, браузер ўзининг қидирув механизмини ишга тушириб, сўралган мавзуга мос бошқа сайтларни тақдим этади.

Навигацион тугмалар(навигационные кнопки). Манзил қаторининг юқори қисмида кнопкали панел жойлашган. Бу ерда саҳифаларни алмаштириш учун зарур иш қуроллари бўлиб, келтирилган тугмаларнинг барчаси фойдали ва муҳимдир. Масалан, кўп ҳолларда www саҳифаларини кўраётганда орқага қайтиш эҳтиёжи туғилади. Буни мазкур панелдаги Назад тугмасини босиш орқали амалга ошириш мумкин. Веб саҳифани янгилаш

учун Обновить тугмасидан фойдаланилади, бу айниқса , е-почта билан ишлаётганда қулай ҳисобланади.

Қидирув катори(строка поиска). Браузернинг сўнгги намуналарида янги ва қулай қидирув катори мавжуд. Аниқ электрон манзилни билмаган ёки шунчаки бирор мавзуга оид маълумотни топиш истаги бўлган фойдаланувчи учун мазкур қулайлик жуда қўл келади. Бунинг учун Поиск жумласи билан келтирилган махсус тугма босилади ва исталган маълумотнинг мавзуси ёки калит сўзлари киритилади, сўнг Enter орқали қидириш буйруғи берилади.

Контексли меню. Браузердаги контекст менюси, асосан, танланган матнни Wordга кўчириш, нусха олиш, буфер алмашинувида ишлатилади.

Вкладкалар ҳар қандай замонавий браузернинг манзил катори остида жойлашган бўлади ва бир вақтнинг ўзида бир нечта саҳифани кўриш имкониятини беради.

Хонадон саҳифаси (домашная страница) Мазкур элемент интернетдаги бирор ёқтирган сайтни белгилаш учун ишлатилади. Исталган веб саҳифа хонадон саҳифаси сифатида ўрнатилса, ҳар сафар тармоққа кирганда, браузер уни автоматик равишда юклайди. Кўп ҳолларда бундай белги Yandex ёки Google порталларига қўйилади, негаки улар фойдаланувчи учун зарур бўлган амалларнинг кўпчилигини ўзида мужассам этган веб-саҳифалар саналади.

Танланганлар(Избранное). Тармоқдаги сайт ва е-саҳифаларни кузатиб, шубҳасиз, улкан маълумотлар тўплами ва кунига юз маротаба янгиланувчи веб – нашрларни кўздан кечирамиз. Уларнинг рўйхатини эсда сақлаб қолиш ва доимий кузатиб бориш осон иш эмас. Браузер дастурлари фойдаланувчиларга шу маънода қулайлик яратиш мақсадида, Избранное менюсини киритиб, у орқали аввал кўриб чиқилган ва е – манзилини унутмаслик учун саҳифани сақлаб қўйиш имкониятини яратди.

Журнал. Интернетдаги ўзига хос саёҳат кундалигидир, унинг вазифаси- фойдаланувчи томондан очилган ҳар бир сайтнинг мазилини

журнал рўйхатига киритишдир. Унинг қулайлиги шундаки, бу ерда манзиллар рўйхати ҳафта ва кун бўйича сақлаб борилади.

Глобал тармоқнинг қидирув хизматлари. Қидирув тизими кенг Интернет фазосида маълумотларни қидириш, тўплаш, тартиблаш ва фойдаланувчиларни керакли маълумот билан тез ва қулай равишда таъминлаш вазифасини бажаради. Қидирув тизимлари билан ишлаганда керакли сўзни аниқ танлай билишингиз керак. Сиз саволни берганингиздан сўнг, қидирув тизими ўзининг маълумот жамғармасидан сўровингизга мос натижани, топилган веб-саҳифани рўйхат тарзида тақдим этади. Рўйхатнинг биринчи бандларида сўровга энг мос келган веб-саҳифалар жойлашади. Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, турли қидирув тизимлари ҳар хил тартиблаш қоидаларини ишлатади, шунинг учун битта сўров бўйича турли қидирув тизимларидан ҳар хил натижалар олиш мумкин. Натижалардан тузилган рўйхатнинг бандига чертилса, танланган веб-саҳифа очилади.

Машҳур қидирув тизимлари рўйхати:

- | | |
|---|---|
| 1. Coogle – www.google.com | 5. Rambler – www.rambler.ru |
| 2. Yahoo – www.yahoo.com | 6. Aport – www.aport.ru |
| 3. Altavista – www.altavista.com | 7. Milliy qidiruv tizimi – www.uz |
| 4. Yandex – www.yandex.ru | 8. Vse.uz – www.vse.uz |

Қидирув тизимларида сўровларнинг тузишни бир неча усуллари мавжуд:

1. Навбатма-навбат қидирув усули;
2. Аниқ сўров усули;
3. Катологлар ёрдамида қидириш;
4. Форумлар ёрдамида қидириш.

Интернет тармоғида қидирув тушунчаси

Интернет тармоғида маълумотларни қидирув - бунда ҳар бир фойдаланувчи ўзига керакли бўлган бирор маълумот ёки материални махсус қидирув тизимлари орқали топиш имкониятига эга бўлади.

Интернет тармоғи фойдаланувчилари қидирувни Интернет муҳитида жойлашган веб-сайтлар, уларнинг манзили ва ички маълумотлари бўйича

олиб бориши мумкин. Бу эса фойдаланувчига керакли бўлган ахборотни самарали қидириш ва тез топиш имкониятини беради.

Интернет тармоғи шундай бир муҳитки у ўзида турли кўринишдаги ва турли тиллардаги кўплаб ахборотларни жамлаган.

Интернет тармоғида ҳар бир фойдаланувчи ахборотни қидириш учун ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа тиллардаги бир ёки бир неча сўздан ташкил топган сўровлардан фойдаланади.

Интернет тармоғида маълумотларни унинг сарлавҳаси ёки унинг таркибида иштирок этган сўзлар ва жумлалар бўйича қидириб топиш мумкин.

Бунда фойдаланувчи томонидан Интернет қидирув тизими қидирув майдонига керакли маълумотга доир **сўз ёки жумла** киритилади ва қидирув тизими ишга туширилади.

Ахборотларни параметрлари бўйича қидириш

Ҳар бир фойдаланувчига Интернет тармоғи орқали ўзига керакли бўлган маълумотларни осон ва тез қидириб топиши учун ахборотнинг параметрлари бўйича қидириш таклиф қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

- ✓ Маълумотларни унинг тили бўйича қидирув;
- ✓ Маълумотларни унинг тури (матн, расм, мусиқа, видео) бўйича қидирув;
- ✓ Маълумотларни унинг жойлашган минтақаси бўйича қидирув;
- ✓ Маълумотларни унинг жойлаштирилган санаси бўйича қидирув;
- ✓ Маълумотларни унинг жойлашган Интернет зонаси бўйича қидирув;
- ✓ Маълумотларни хавфсиз қидирув.

Google тизимида Ахборотларни параметрлари бўйича қидириш

Google **Ilg'or Qidiruv** [Qidiruv Tavsiyalari](#) | [Google Haqida Hamma Narsa](#)

Natijalarini top barcha so'zlar bilan 10 natijalar

aniq ifoda bilan

so'zlarning har qanaqasi bilan

bu so'zlarsiz

Til Quyidagida yozilgan sahifalarni qaytaring har qanaqa til

رەجىن Bu yerda joylashgan sahifalarni qidiring: انى رەجىن

Fayl formati (turi) Fayl format natijalari istalgan formatda bo'lsin

Sana (data) Birinchi ko'ringan veb sahifaga qaytish barcha muddatda (farqi yo'q)

Sodir Bo'lishlari Mening shartlarim uchraydigan natijalarni jo'nat sahifaning biror yerida

Domen manzildan yoki ommaviy adresdan natijalarni jo'hating namuna: google.com, .org [Ko'proq ma'lumot](#)

Ishlatish huquqlari Natijalarni ko'rsatish litsenziya bilan filtrlanmagan

Sahifaga-Oid Qidiruv

O'xshash Ushbu sahifaga o'xshagan sahifalarni toping Masalan: [www.google.com/help.html](#)

Bog'lar Ushbu sahifaga bog'langan sahifalarni qidiring

Расмларни қидириш

- o Интернет тармоғида график маълумотларнинг кўплаб турлари учрайди, яъни: чизма (вектор), фото (растр), ҳаракатланувчи (анимация) ҳамда сиқилган расмлар.
- o Расм кўринишидаги маълумотлар устида фақатгина унинг номи ёки тури бўйича қидирув олиб бориш мумкин.
- o Кўпгина интернет қидирув тизимлари график ёки тасвир кўринишидаги маълумотларни қидириш учун алоҳида бўлимга эга бўлиб, бу бўлим орқали ихтиёрий турдаги расмларни уларнинг номлари бўйича қидирувни амалга ошириш мумкин.

[Veb](#) **Tasvirlar** [Realtime](#) [Guruhlar](#) [Afzalliklar](#) | [Kirish \(tashrif\)](#)


Google
tasvirlar

[Murakkab Tasvir Qidiruvi](#)


Миллий ахборот-қидирув тизими

WWW.UZ – бу барча фойдаланувчилар учун юртимизнинг Интернет тармоғидаги миллий сегменти ахборотларидан қулай тарзда фойдаланиш имкониятини берувчи тизимдир.


Google қидирув тизими



Google қидирув тизими амалга оширилган қидирув натижалари рўйхати




Ҳаһоо қидирув тизими



Ҳаһоо қидирув тизими амалга оширилган қидирув натижалари рўйхати

Ихтисослашган ахборот қидирув тизимлари

- Ахборот қидирув тизимлари – бу веб-сайт ҳисобланиб Интернет тармоғида ахборотларни қидириш имкониятини тақдим этади.
- Интернет тармоғида маълум соҳада ишлайдиган ихтисослашган қидирув тизимлари ҳам мавжуд. Булар:
 - “КтоТам” – инсонлар тўғрисидаги ахборотларни қидириш
 - “Tagoo” – мусикаларни қидириш қидирув тизими
 - “Truveo” – видеоматериалларни қидириш қидирув тизими
 - “Kinopoisk” – филмлар тўғрисидаги ахборотларни қидириш тизими
 - “Ebdb” – электрон кутубхоналардан китобларни қидириш ахборот-қидирув тизими
 - “Улов-Умов” – резюме ва вакант жойларни қидириш тизими



Қидирув тизимларидан тўғри мақсадда фойдаланиш

- ✚ Бугунги кунда компьютер ва интернетга ёшлар томонидан биринчи навбатда кўнгилочар восита деб қаралмоқда.
- ✚ Интернет ресурслари хилма-хилдир. Уларнинг ичида ҳам фойдали ҳам зарарли бўлганлари маълумотлар учрайди.
- ✚ Интернет тармоғидаги ахборот-қидирув тизимлари эса Интернет ресурслари ичидан сўралган ихтиёрий маълумотларни қидириб топиб бериш имкониятига эга. Чунки бундай қидирув тизимлари калит сўзлар бўйича қидиришни амалга оширади.
- ✚ Фойдаланувчи томонидан қандай маълумот киритилса, худди шу маълумотга мос маълумотларни қидириб топади.
- ✚ Шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, ҳар қандай ахборот ҳам фойдали ва тўғри, рост ҳисобланавермайди.
- ✚ Ахборот-қидирув тизимларидан фақатгина тўғри ва фойдали мақсадда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.
- ✚ Турли ножўя маълумотлардан фойдаланишдан ва тарқатишдан сақланиш мақсадга мувофиқдир

Назорат саволлари:

1. Internet Explorer 8, Mozilla Firefox, Opera дастурларининг имкониятлари, фарқи ва афзалликлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Internet Explorer 8, Mozilla Firefox, Opera дастурларини шахсий компьютерга юклаш ва улардан фойдаланиш шартлари қандай?
3. Йирик қидирув тизимлари «Google», «Yahoo», «AltaVista», «Яндекс», «Rambler» ва «Aport» ҳақида нималар биласиз?
4. Қидирув тизимларида сўровларнинг тузишни неча усуллари биласиз?
5. Ахборотларни қандай параметрлари бўйича қидириш мумкин?

6–маъруза

Таълим сайтлари ва уларда ишлаш. Масофавий таълим сайтлари

Режа:

1. Аудио видео материалларини он-лайн намойиш этиш.
2. Форум тушунчаси.

3. Миллий ва халқаро интернет форумлари.
4. Блоглар ва вики – сайтдаги материалга изох бериш ва маълумот қолдириш.
5. Интернет орқали сўзлашув ва видео мулоқот.
6. Интернет конференциялар.

Таянч атама ва иборалар:

Видео, аудио, он-лайн намоиш , Youtube сайти , Веб-форум , Интернет форумлар , Халқаро форумлар , миллий форум,р, виртуал кўриниш, Блог , Вики, , Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари , Интернет конференциялар , Ziyonet ахборот – ресурси.

Аудио ва видео материаллар. Видео сўзи латинча *video* сўздан олинган бўлиб – кўряпман, қараяпман маъносини англатади. «Видео» сўзи телевидение ривожланиши билан ўзининг кенг тадбиқини топди.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида видео маълумотлардан фойдаланиш кенг кўламда қўлланмоқда. Ўз даврида Конфуций шундай деган эди: «Эшитганларимни унутаман, кўрганларимни эслаб қоламан». Инсонда кўриш ҳиссиёти эшитиш ҳиссиётидан юқори туради. Шунинг учун видео маълумотлар энг кўргазмалили маълумот ҳисобланади. Ишонч билан айтиш мумкинки, видеотаълим келажакда кенг кўламда қўлланилиши мумкин. Видеотаълимнинг асосий мақсади – ўқитувчисиз таълим олишдан иборат. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки ўқитувчи ўрнини ҳеч қандай видеотаълим боса олмайди. Инглиз тилидаги сайтларда бундай таълимдан фойдаланиш бошланганига йигирма йиллар бўлган.

Аудио сўзи латинча *audio* сўздан олинган бўлиб – эшитаман маъносини билдиради. Ушбу форматдаги маълумотлардан ўқув жараёнида фойдаланиш анча илгари, яъни аудио ёзувлар пайдо бўлган вақтдан

бошланган. Аудио маълумотлардан фойдаланиш айниқса тилларни ўрганишда жуда қулай ва юқори самара бериши мумкин.

Аудио видео материалларини он-лайн намоиш этиш. Интернет тармоғи ривожланиши билан видео ва аудио материаллардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг қулай имкониятлари вужудга келди. Интернет тармоқларида видео ва аудио материалларни сақлаш учун махсус серверлар мавжуд. Масалан, Youtube – бу видео алмашиш учун веб-сайт, бу сайтда ташриф буюрувчилар видеони юклаш ва жўнатиш, томоша қилишлари мумкин. Youtube сайтида турли мавзуларда етарли даражадаги видео маълумотлар тўпланган. Мазкур сайтда маълумотлар avi, ёки flv форматларида сақланади. Flv форматидаги файллар ихчам ва уни юклаш учун кўплаб интернет ресурслари талаб этилмайди.

Форум тушунчаси. Интернет тармоғида форумлар веб-сайт кўринишида бўлади ва Веб-форум деб аталади. Веб-форум - веб-сайт ташриф буюрувчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун мўлжалланган веб сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуи. Қисқача айтганда, форум бу веб-сайтнинг ташриф буюрувчилари мулоқот ўрнатадиган майдончаси. Бунда ихтиёрий фойдаланувчи форум веб сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзунини ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Форум мулоқотнинг яна бир оддий тури бўлиб, бу мулоқотда ихтиёрий вақтда ихтиёрий жойдан қатнашиш ҳам мумкин. Бунда бирор бир мавзу танланади ва у муҳокамага қўйилади. Қатнашувчилар музокара билан танишиб ўз фикрларини жўнатишлари мумкин. Бу усулда сиз муҳокамада қатнашаётганларни кўрмайсиз, фақатгина уларнинг фикрлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Форумда турли - туман мавзулар муҳокама қилинади. Бунда сиз бирор мавзунини танлаб, уларнинг муҳокамасида иштирок этишингиз мумкин.

Миллий ва халқаро интернет форумлари. Форум тушунчаси. Интернет форумлари алоҳида йўналишларга ихтисослашган ёки умумий

бўлиши мумкин. Ихтисослашган Интернет форумларга медицина, дастурлаш технологиялари, дизайн ва мода, компьютер ўйинлари ва транспорт воситаларига бағишланган форумлар мисол бўлади. Ихтисослашган форумларда фақатгина мўлжалланган соҳага оид мавзулар муҳокама қилинади, умумий форумларда эса ихтиёрий мавзунини ўртага ташлаш мумкин.

Халқаро форумлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- *Medicinform.Ru* форуми – ушбу форум орқали тиббиёт соҳасига ихтисослашган бўлиб, касалликлар ва уларни даволаш, дори воситалар ва уларни тўғри қўллаш ҳамда тиббиёт бўйича юридик маслаҳат олиш мумкин.


- *Progz.ru* форуми – ушбу форум дастурлаш технологияларидан фойдаланиш, компьютер дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва дастурлаш билан боғлиқ юзага келган муаммоларни муҳокама қилишга мўлжалланган.

- *Avtomobili.by* форуми – ушбу форум автомобил ишқибозлари форуми бўлиб, унда автомобиллар брендлари, маркалари ва турлари ҳамда уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мумкин.

- *Stopforum.ru* форуми – бу компьютер ўйинлари форумидир. Бунда ўйинларнинг турлари, уларни ўйнаш сирлари ва юзага келган муаммолар муҳокама қилинади.

- *WildDesign.ru* форуми – бу форумда дизайн, мода ва тасвирий санъат ихлосмандлари ва ижодкорлари фикр алмашишади. Бундан ташқари ижодкорлар асарларидан бахраманд бўлиш мумкин.

Uforum.uz - миллий форуми. Uforum.uz – миллий форум ҳисобланиб, бунда Республикаимизнинг ахборот технологиялари, таълим, маданият, молия, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда давлат сектори ва электрон ҳукумат тузилмасида рўй бераётган масалалар муҳокамасини ўз ичига олади. Қуйидаги расмда миллий форумнинг таълим соҳасига оид мавзулари тасвирланган.



Форумларда иштирок этиш тартиби:

- форумдан рўйхатдан ўтиш. Форум қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш шарт;
- форумдан рўйхатдан ўтишда расмий шахслар логин учун ўзларининг ҳақиқий маълумотларини Исм Шарифи, шунингдек иш жойи ва лавозим ҳам мажбурий шартларга киради;
- маълумотларни киритиш билан бирга фойдаланувчи профил учун аватар сифатида сурат ҳам тақдим этиши лозим;
- маълумотларини ошкор қилишни истамаган фойдаланувчилар эса ўзлари маъқул деб топган никларни танлашлари мумкин;
- цензурага оид сўзлашув, ҳақорат, флейм, оффтоп, спам ва реклама таъқиқланади;
- инсонлар шахсиятига тегадиган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид муҳокамалар, ресурсларга ишоратлар, файллар ва тасвирлар нашр қилиш таъқиқланади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тарзда фаолият олиб бормайдиган сайтларга ишорат жойлаш ёки шундай

маълумотларга эга бўлган сайтлардан маълумот жойлаш таъқиқланади.

Блоглар ва вики – сайтдаги материалга изоҳ бериш ва маълумот қолдириш. Блог - бу таркиби матн, тасвир ва мультимедиа маълумотларидан иборат бўлган доимий равишда қўшилиб туриладиган маълумотлар ёки изоҳлардан иборат бўлган сайт. Блоглар одатда у ёки бу материал веб саҳифаси таркибида мавжуд бўлиб, материалга берилган изоҳларни ўзида мужассамлайди.

Вики – бу сайтнинг ўзи томонидан тақдим этиладиган ускуналар ёрдамида унинг тузилмасини ва таркибини фойдаланувчилар ўзгартира олиш имконига эга бўлган веб сайт.

Интернет орқали сўзлашув. Интернет орқали ўзаро мулоқот деганда икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчиларнинг бир вақтни ўзида, бир-бирлари билан интернет тармоғи орқали алоқа ўрнатилиши тушунилади. Бундай мулоқот жараёнида фойдаланувчиларнинг жойлашув ўрни аҳамиятга эга эмас, яъни фойдаланувчилар қаерда бўлишларидан қатъий назар Интернет тармоғи орқали мулоқот ўрната оладилар. Бундай сўзлашувларни амалга ошириш учун махсус дастурлар бўлиши талаб қилинади. Бундай дастурларга Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари киради.

Интернет орқали сўзлашув жараёнида микрофон ва эшитиш қурилмасини компьютерга улаб келтирилган дастурлар ёрдамида фойдаланувчилар сўзлашиб мулоқот қилишлари мумкин. Бунда Интернет орқали мулоқот жараёни фойдаланувчига тезкорлиги, арзонлиги ҳамда сифатлилиги билан қулайликлар яратиб беради.

Интернет орқали видео мулоқот. Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранда (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида

мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшитибгина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.

Интернет конференциялар. Интернет конференциялар – бу муайян муаммони ҳал қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференц алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиш жараёнидир. Табиийки, бу технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган бўлади. Компьютер конференцияси иштирокчилари сони аудио– ва видеоконференциялар иштирокчилари сонидан анча кўп бўлиши мумкин. Адабиётларда телеконференция атамасини кўп учратиш мумкин. Телеконференция ўз ичига конференцияларнинг уч турини: аудио, видео ва компьютер конференцияларини олади.

Аудиоконференциялар. Улар ташкилот ёки фирманинг ҳудудий жихатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникацияларни сақлаб туриш учун аудиоалоқадан фойдаланади. Аудиоконференцияларни ўтказишнинг энг оддий техника воситаси сўзлашувда иккитадан кўп иштирокчи қатнашувини таъминлайдиган кўшимча қурилмалар билан жиҳозланган телефон алоқаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутати. Аудиоконференциялардан фойдаланиш қарорлар қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради, у арзон ҳам қулай.

Видеоконференциялар. Улар ҳам аудиоконференциялар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлса, шундай мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Уларни ўтказиш ҳам компьютер бўлишини талаб этади. Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган унинг иштирокчилари телевизор экранида ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари ҳаражатларини анча қисқартириш имконини берса ҳам, аксарият ташкилот ёки фирмалар уларни фақат шу сабабларга кўра

қўлламайдилар. Бу фирмалар бундай конференцияларда муаммони ҳал қилишга ҳудудий жиҳатдан офисдан анча узоқда жойлашган кўп сонли менежерларни ва бошқа ходимларни ҳам жалб этиш имкониятини кўрадилар. Интернетнинг фойдали жиҳатлари кўп. Бугун у билим манбаи ҳамдир. Ўзбекистонда ўқитувчи, талаба, ўқувчилар учун яратилган veb манбалар орасида энг йириги бу Ziyonet таълим тармоғидир. Ziyonet жамоат ахборот таълим тармоғи 2005 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғининг ташкил этиш тўғрисидаги ” 2005 йилнинг 28 сентябридаги қарорига мувофиқ ташкил топган. Унинг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ва таълим олувчиларга билим олиш жараёнида ахборот коммуникация хизматларини кўрсатишдан иборат. Яъни, мазкур таълим тармоғи ёшларни, мурабийларни, шунингдек аҳолини турли қатламини керакли ахборот билан таъминлаш, ахборот технологиялари соҳасида керакли маълумотларни бериш, мулоқат қилиш ва тажриба алмашишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришни ўз зиммасига олган. Ziyonet ахборот – ресурс тармоғи 2005 йили АКТларини таълим зимида татбиқ қилиш мақсадида республика ёшлари учун тузилгандир ҳамда асосий вазифалари қуйдагилардан иборатдир:

- таълим муассасалари ва ёшлар учун миллий ахборот –таълим ресурсларини шакллантиришга ва фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратиш;

- таълимий , илмий йўналишдаги ёшлар, мактабгача таълим муассасалар ва ташкилотлар учун мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона ахборот-ресурс майдончасига бирлаштиришдир.

Ушбу масалаларни бажариш мақсадида 2006 йили ziyonet.uz veb портали ишга тушди. Портал-бу неча саҳифаларни ўз ичига олган йирик маълумотлар манбаидир. Veb сайт унинг кичкина кўриниши бўлиб, порталларда бундай Veb сайтларнинг бир нечаси жойлашган бўлиши

мумкин. Худди шу сингари www.ziyonet.uz таълим портали ҳам бир қанча мустақил ва ўзаро боғлиқ Интернет манбаларини бирлаштиради.

Порталнинг бош саҳифаси худди дарвоза сингари мазкур ахборот манбаини очиб беради. Бу ерда ziyonetда амалга ошириш мумкин бўлган барча имкониятлар (саҳифаларни кўриш, янгиликлар билан танишиш, рукнлар орасида излаш, янги фикрлар билан ўртоқлашиш) кўз олдингизда. Барчасини сичқончанинг чап ва ўнг тугмасини ишлатиб фаоллаштирасиз ва улкан маълумотлар ичига кириб борасиз. Сайт икки тилда ўзбек ва рус тилларида фаолият олиб боради.

Порталнинг “бизнинг лойҳалар ” бўлимида ziyonet ахборот –ресурс марказининг барча лойҳалари – Видео, Википедия, Танловлар ва грантлар, Форум, Блоглар тўғрисида маълумот берилган бўлиб, у орқали ушбу саҳифаларга тўғридан тўғри ўтиш имконияти мавжуд. Veb порталнинг саҳифалари ва лойҳалари билан танишиб чиқамиз.

uTube.uz – фойдаланиш учун очик ва эркин бўлган таълимий видео порталдир. Бу ерда йиғилган маълумотлар видео кўринишдадир. Ҳозирда ушбу видео порталда мингдан ортиқ маълумотлар мавжуд. Асосий саҳифадаги Видео рукни орқали ўтсангиз, бир қанча қизиқарли видео лавҳалар келтирилган веб саҳифа очилади. Улар энг сўнгисидан тортиб тақдим этилган. Аммо аниқ мавзу бўйича маълумот қидираётган бўлсангиз , ўнг томондаги тематик мундарижа сизга ёрдам беради. Бу ерда алифо тартибида тартибга келтирилган мавзулар (астрономия, биология, география, информатика, иқтисод ва ҳ.к.) ва уларга оид ведеолавҳалар сони келтирилган. Сайтдаги маълумотлар доимий равишда янгиланиб ва бойитилиб турилади. Бир ойда 50 тадан 100 тагача ведеолавҳалар жойлаштирилади. uTube.uz сайтида қулай филтрация, яъни саралаш тизими мавжуд бўлиб, фойдаланувчи ведеолавҳаларни кундалик, ҳафталик, ойлик рейтинг-оммабоплик кўрсаткичларига кўра саралаб олиши мумкин. Шунингдек қидирувда қулайлик яратиш учун теглар(калит сўзлар) тизими ишлайди. Бирор бир тегни (калит сўзни) танлаш жараёнида (масалан тарих сўзини)

экранда шунга оид видео лавҳалар пайдо бўлади. Бошқа ҳолатларда эса қидирув дарчасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Фойдаланувчи учун шароит яратиш учун исталган видеони танлаганда, пастрокда шу видеога ўхшаш видеолавҳалар рўйхати берилади. Бу, эса ўз навбатида, фойдаланувчи қидирувини осонлаштиради. Бундан ташқари, фойдаланувчилар изох қолдиришлари ва видеофайл ҳақида қолдирилган изохларни ўқишлари мумкин. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, портални нафақат кўришингиз, балки унга ўз видеолавҳаларингизни юклашингиз ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар бир фойдаланувчи ID.UZ – шахсий рақам берувчи ва ҳар бир фойдаланувчини рўйхатга олувчи тизим орқали рўйхатдан ўтишингиз лозим. Бу икки жараёнда амалга оширилади:

1. ID.UZ тизимида рўйхатдан ўтилади;
2. uTube.uz нинг тасдиқномасидан ўтилади.

Шунда сиз порталдан нафақат ахборот олишингиз, балки унда кечаётган барча жараёнларда иштрок этишингиз, ўзингиз маълумот юборишингиз, видео юклашингиз мумкин бўлади. Рўйхатдан ўтган ҳар бир фойдаланувчи видеонинг рейтингини белгилаб берувчи исталган видеолавҳага баҳо бера олади. “Шаҳслар” бўлимида фойдаланувчи сайтга видео жойлаштирган шахс ҳақида маълумотга эга бўлиши ва жойлаштирган бошқа видеолавҳалар билан танишиши мумкин. “Ҳамжамиятлар” бўлимида видео турли ҳамжамиятларнинг мавзулари бўйича тақсимланган бўлиб, ўхшаш мавзудаги видеоларни бир жойга жамлаш имконини беради.

Fikr.uz блог хизмати - Fikr.uz сайтининг фойдаланувчилари унинг фаол иштирокчилари ҳамдир. Негаки, мазкур саҳифадаги барча маълумотлар айнан фойдаланувчилар томонидан тақдим этилган. Улар бу ерга фан, маданият, юқори технологиялар оид ўз мақолаларини жойлаштирадилар ва уни сайтда муҳокама қиладилар. Ушбу лойҳа 2010 йилнинг июнь ойида ишга тушган ўзбек ва рус тилларида фаолият олиб борувчи биринчи миллий блог –хизмати бўлиб, доимий равишда ривожланишни назарда тутди. Бу

ерда ҳар бир маълумотга рўйхатдан ўтган фойдаланувчи изоҳ қолдириши мумкин.

Шаҳслар бўлимидаги рўйхат фаол қатнашаётган иштирокчиларга биноан юқоридан пастга қараб бошланади. Ҳар бир киритилган ижод намунаси беъэтибор қолмайди. Унинг албатта, ўз ўқувчиси, танқидчиси, фикрдоши топилади. Шу хусусият Fikr.uz ни бошқа лойҳалардан ажратиб туради. Сайтдаги рейтинг эса жамоатчилик томонидан блог, қатнашчи, мақола, изоҳнинг оммабоплигини кўрсатувчи баҳолаш мезони. Рейтинг кўрсатгичи, бошқа фойдаланувчилар томонидан берилган баҳолар орқали шаклланади.

Википедия. Ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи билим бериш ва таълим олиш жараёнида энциклопедик манбалардан фойдаланади. Бу бизнинг дунёқарашимизни кенгайтиради, билимларимизни оширади. ZiyoNET ахборот маркази томонидан яқинда ўзбек Википедиясининг (Интернет энциклопедияси) акси ишга туширилди. Унга ҳозирги кунда viki.zn.uz сайти орқали чиқиш мумкин. Сайт ҳозирча фақат керакли бўлган ахборот олиш имкониятини берса-да, келгусида фойдаланувчилар мавжуд материалларни киритиш, таҳрир қилиши ҳамда янги, такрорланмас материалларни қўшиш имкониятига эга бўладилар.

ZiyoNET ахборот порталининг яна бир йирик саҳифаси бу **Forum** дир. Форум Интернетдаги ўзига хос мулоқот майдончаси бўлиб, унда турли соҳага оид мавзуларда мулоқот уюштириш мумкин. Форумга турли соҳадаги педагог, таълим мусассалари директорлари, вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини муҳокамасига жалб этиш сезиларли фойда келтирмоқда. Бу эса бошқа форумлардан сезиларли фарқи мавжудлигини кўрсатади.

Форумда “Ижод хусусида сўз” бўлими фаолият юритади. У ерда доимо маданият ва санъат арбоблари билан он-лайн -Интернет орқали тўғридан тўғри мулоқатлар уюштирилади.

Tanlov.uz – ёшларни ва ёш мутахассис, талабаларни қўллаб қувватлашга қаратилган танлов, грант ўтказилаётган тадбирлар ҳақида

қизиқувчи шахс ва ташкилотларга фойдали маълумот берувчи сайт. Tanlov.uz сайтида нафақат ўтказилаётган танлов ва грантлар ҳақидаги маълумотлар, балки уларнинг ғолиблари ҳақида ҳам хабар беради. Хабарлар “Архив” бўлимида сақланади. “Долзарб” рукнида айти пайтда ўтказилаётган танловлар, мусобақалар ва тадбирлар акс этирилади.

Satelit сайтларни яратиш. Ҳозирда дунё бўйича Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Орамизда ахборот технологиялари ва веб саҳифалар яратишга қизиқиши баланд ўғил-қизлар ҳам кўп. Ziyonet ахборот порталининг яна бир қулайлик ундаги сателит сайтларининг яратиш имкониятидир. Бу ерда сиз ўзингиз қизиққан мавзу бўйича бирон сайт тузишингиз мумкин. Бунинг учун мазкур порталда зарур воситалар мавжуд бўлиб, янги яратилган веб-саҳифаларнинг номи эса бош саҳифада акс этади. Масалан, “Ота-оналар учун” сателит сайти шу тарзда вужудга келган . <http://ota-ona.zn.uz> манзилида жойлашган.

Энди Ziyonet порталида жойлашган айрим саҳифалар билан танишамиз.

Таълим- ушбу бўлимда Республикаимизнинг таълим тизими ҳақида маълумот берилади. Таълим тизимининг турли босқичларидан статистика, боғча таълимидан бошлаб олий таълимдан кейин таълим тизимининг қонунчилик базасигача маълумотлар келтирилган. Бўлимда жойлаштирилган ахборот мактаб, колледж ва лицей ўқувчилари, талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар учун мўлжалланган. Бу ерда Республикаимизнинг таълим тизими таҳлил қилинади, маълумотлар фуқароларга таълим тизимида мавжуд бўлган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар билан танишиш имконини беради.

Муассасалар – бу бўлимда олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, мактаб, лицей, колледж “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон музейлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу ерда маълумотларни филтр асосида қидириш тизими мавжуд бўлиб, шаҳарлар ва туманлар бўйича қидиришга ёрдам беради. Абитуриент ва талабалар учун олий таълим муассасаси карточкаси тузилган бўлиб, унда олий ўқув юртининг

факультетлари, деканатлар, кафедралар, кафедра ўқитувчилар ва шу каби фойдали маълумотлар жамланган.

Абитуриент бўлими олий ўқув юртига кириш жараёнида абитуриентлар учун фойдали қўлланма бўла олади. Бўлимнинг “Абитуриентга эслатма” қисми олий ўқув юртларга йўналишлар бўйича ҳужжат топшириш жараёни билан таништиради, бундан ташқари бу ерда келтирилган ахборотлардан кириш тестлари жараёни, зарур ҳужжатлар мажмуи, жавоблар варақаси ва уларни тўлдириш тартибини билиб олиш мумкин. Маълумотлар видеолавҳа ва матн кўринишида берилган. Бундан ташқари фойдаланувчи керакли адабиётларни ўзига юклаб олиши, таълим курслари, хорижий олийгоҳлар ва улардаги таълим тизим ҳақидаги батафсил маълумотларни билиб олиши мумкин.

Арбоблар. Халқимиз тарихида фан ва маданият соҳасида тарих силсиласида ўчмас из қолдирган инсонлар беҳисобдир. Ушбу бўлимда айнан уларнинг ҳаёти ва ижоди, фаолияти, бизга қолдирган маънавий бойликлари ҳақида маълумот берилади. Бу ердан сиз илм фаннинг машҳурлари ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Умар Ҳайём, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Зулфия, Саид Аҳмад, Шуқрилло, Эркин Воҳидов ва каби дунёга машҳур адабиёт намоёндалари, ўзбек тупроғида туғилиб ўсиб, спорт соҳасида юртимизнинг шуҳратини оламга ёйган Баҳодир Қурбонов, Оксана Чусовитсина, Шўхрат Ҳоджаев, Ирода Тулаганова, Руслан Чагаев каби инсонлар ҳақидаги маълумотларни билиб олишингиз мумкин. Маълумотлар ўзбек ва рус тилларида бўлиб, уларни йўналишлар бўйича алфавит тартибида танлаш ёки сайтнинг ўнг томонида жойлашган қидирув тизими орқали ишлаш мумкин. Ҳар бир йўналиш мавзулар бўйича ажратилган. Бу ердаги маълумотлар доимо янгиланиб туради.

Назорат саволлари:

7–маъруза

Электрон кутубхоналар ва уларда ишлаш усуллари.

Режа:

1. Электрон кутубхона ҳақида умумий маълумот.
2. Ziyonet кутубхонаси.
3. Ziyonet тармоғи Ресурс марказининг асосий вазифалари
4. Электрон кутубхона афзалликлари.
5. Ziyonet кутубхонасидан фойдаланиш.
6. Кутубхонанинг ҳужжат мазмуни ва унга қўйилган талаблар.


Таянч атама ва иборалар:

Виртуал кутубхонаси., электрон кутубхонаси, WWW Виртуал кутубхона, е-кутубхона, E-library, қидирув тизмлари, абонентлар, тизим, маълумотлар ҳажми, маркетинг, реклама.

Электрон кутубхона Интернетнинг ажойиб имкониятлардан биридир. Айтиш жоизки, электрон кутубхона сўзи билан Виртуал кутубхона, е-кутубхона, e-library, digital library каби тушунчаларнинг маъноси бир хил. Кутубхона деганда, одатда, кўплаб китоблар териб қўйилган, узун китоб жавонлари жойлашган залларни кўз олдимизга келтирамыз. Электрон кутубхона ресурслари компьютер хотирасида жойлашган бўлади. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишда бўлиб, компьютерда рақамли форматда, махсус компьютерлар – Серверларда жойлашади. Электрон кутубхоналардан фойдаланиш учун компьютер, модем ва интернет тармоғи

бўлиши етади. Биз эса шу кутубхона жойлашган интернет манзилини билсак кифоя. Электрон кутубхонада махсус мутахассислар маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритади ва ййғади. Яъни маълумотлар доимо янгиланиб турилади ва кутубхона ҳажми кенгайиб боради.

Кутубхона билан қандай ишлаш мумкин. Бунинг учун кутубхона адресини Адрес майдонига ёзишингиз зарур. Одатдаги кутубхона сингари электрон кутубхона маълумотлари мавзу ёки алфавит бўйича тартибланади. Шунинг учун зарур маълумотни шу тартибда топиш мумкин. Виртуал кутубхона ҳақида батафсил маълумот билан [1] да, еки [HTTP://vlibrary.freenet.uz](http://vlibrary.freenet.uz) саҳифасида танишишингиз мумкин (4.17расм).




4.17-расм

Ҳозирги кунда электрон кутубхоналар сони сон саноқсиздир. Кутубхоналар, университетлар, Баъзи ташкилотлар ўз электрон кутубхоналарига эга. Ўзбекистонда ҳам кутубхоналар мавжуд. Қуйида Баъзи электрон кутубхона манзиллари ва тавсифини келтирамыз.

Конгресс Виртуал кутубхонаси


[HTTP://lcweb.loc.gov](http://lcweb.loc.gov) Конгресс Кутубхонасининг электрон кўриниши бўлиб, у дунёдаги энг йирик виртуал кутубхоналардан биридир. (4.18расм) Конгресс кутубхонаси 1800 йили 24 апрелда ташкил этилган. Унда 115 миллиондан зиёд китоб ва ҳужжатлар ййилган.



Виртуал кутубхонада тарихга оид маълумотлар, турли коллекциялар, расмлар, информациялар, янгиликлар мавжуд. Бу кутубхона бўйлаб сайр қилганингизда, унда мужассамланган обидаларнинг тарихи бўйлаб сафар қилгандек бўласиз.

WWW Виртуал кутубхонаси

[HTTP://www.vlib.org](http://www.vlib.org) WWW Виртуал кутубхонаси турли туман маълумотларни ўз ичига олади: кишлок хўжалиги, иктисод ва бизнес, компьютер технологиялари, алоқалар, информация ва журналистика, ўқиш, қонунлар, илм фан ва ҳоказолар (4.19расм) Кутубхонанинг куйидаги бўлинмалари ҳам мавжуд: Пансилвания Давлат Университети (USA), Буюк Британия (UK), Швейцария (Switzerland) ва Аргентина. Кутубхонада алфавит бўйича, сўз ва жумлалар бўйича қидириш системаси ишлайди.



GPO Access


[HTTP://gpo.gov](http://gpo.gov) US Government Printing Office маркази миллионлаб маълумотларни ўзида мужассамлаган (4.20-расм). Унда Сиз АҚШ даги турли - туман ҳужжатлар, китоблар, янгиликлар билан танишишингиз мумкин. Хар ойда бу кутубхона 28.000.000 та ҳужжат билан тўлдирилиб борилади. Бу вазифани махсус электрон маълумотлар бўлинмаси бажаради.

Бунда махсус электрон каталоглар ҳам ишлаб чиқарилади. Консулртациялар ва буюртмалар телефон ва электрон почта орқали бажарилади. Кунига бир неча минглаб фойдаланувчилар бу хизматдан фойдаланади. Бу кутубхонадан давлат ва шахсий корхоналар кенг фойдаланади.

Кутубхонада болалар учун махсус бўлинма бор. Бу бўлинмада болалар ўзига зарур ва кизиқарли маълумотларни олиши мумкин. Бу: тарихга оид, қонунларга оид, ўқишга оид зарур тўплам ва маълумотлардир. Бу бўлинма номи АҚШ ҳукуматининг болалар учун саҳифаси (Ben's Guide to the U.S.

Government for kids), манзили [HTTP://bensguide.gpo.gov](http://bensguide.gpo.gov)

Маркетинг ва реклама бўлими кутубхона каталогларини ишлаб чиқади ва уларни дунё бўйлаб тарқатади.




4.20-расм

[HTTP://vcu.librarv.edu](http://vcu.librarv.edu)

Virginia Commonwealth University электрон кутубхонаси. (4.21-расм). Бу кутубхона университетнинг электрон кутубхонасидир. Бу кутубхона ўзида кўпгина китоб, мақолалар, журналлар, аудио ва видео маълумотларни мужассамлаган. Кутубхона барча конференциялар,

анжуман ва маорузалар ҳақидаги маълумотларни мунтазам эолон қилиб туради.

www.library.wustl.edu Вашингтон Университети Виртуал
Кутубхонаси




4.21-расм

Ушбу кутубхонада қуйидаги мавзулардаги маълумотлар мавжуд: саноат ва архитектура, биология, бизнес, химия, илм-фан, тиббиёт, қонунлар, математика ва ҳоказолар. Кутубхона қидириш системаси мавжуд. Кутубхона маълумотларга буюртмалар қабул қилади.

Россия Миллий Электрон Кутубхонаси

[HTTP://www.nns.ru](http://www.nns.ru) Дунёдаги энг йирик рус тилидаги оммавий информация воситаларининг электрон тўпламидир. (4.22расм) Унда матбуотдаги нашрлар, Информация Агентликлари хабарлари, теле ва радио программалар изохлари ва аналитик маълумотлар келтирилган. Маълумотлар 2.500 дан кўп Москва, Россия регионлари, СНГ ва Болтиқ давлатлари информация манбаларидан олинади ва доимо янгиланиб турилади. Кутубхонага кунига 6.500 дан ошиқ хужжатлар келиб тушади ва улар тўла ҳажмда кутубхонага киритилади. Кутубхонада 4.000.000 дан ошиқ хужжатлар йиьилган. Кутубхонада қидирув системаси мавжуд, у маълумотларни сўз ва иборалар бўйича топиш имкониятига эга. Кутубхонадан ихтиёрий пайтда фойдаланиш мумкин. Кутубхона манбаларидан тижорий усулда фойдаланиш мумкин. Кутубхона Россиядаги энг йирик оммавий сиёсий ва янгиликлар сервери ҳисобланади.



Молиявий Информациялар Агентлиги Виртуал Кутубхонаси. 2000 йилда Евросиё фондининг молиявий кўмаги ёрдамида ташкил этилди. Виртуал Кутубхона бизнес журналистлар ва оммавий информация воситалари мутахассисларини информация билан таъминлаш учун яратилган. Кутубхона информацияни олиш, йиғиш ва узатиш учун замонавий компьютер ва информацион воситалар билан таъминланган. Виртуал кутубхона замонавий усулларда информация тарқатади. Виртуал кутубхона китобхонларга республикамызда ва ҳорижда юз бераётган замонавий технологиялар, ҳамда иқтисодий жараёнлар ҳақида маълумотлар олиш учун махсус тўпламлар яратилган.

Интернетда электрон иш биржалари мавжуд. Электрон биржаси ёрдамида ўзингизга иш ёки ишчи топишингиз мумкин. Бунинг учун махсус электрон биржа саҳифалари мавжуд.

Одатда ўзингизга мос иш топиш учун газеталардаги эолонлардан фойдаланасиз, ёки корхоналарга ва меҳнат биржаларига борасиз. Бунда сон саноксиз эолонларни ўқиб ва таҳлил қилиб ўзингизга мосини топишга ҳаракат қиласиз. Ундан кейин топилган манзилга қўнъирок қиласиз. Учрашувга борасиз, ўзингизни таништирасиз. Бу жараён иш ва ишчи қидирувчидан анчагина ҳаракат ва вақт талаб қилади.

Электрон иш биржаси бу жараённи анча енгиллаштирди ва қулайлаштирди. Эндиликда корхона мутахассисга муқтож бўлса, вакансия ҳақида Интернетда эолон қилади ва танлов ўтказади. Ёки иш биржасидаги таклифлар орасидан ўзига мосини топиши мумкин. Худди

шундай мутаххассис ўзига мос вакансияни топиши ёки ўз номзодини таклиф этиш имкониятига эга.

Бунинг учун у махсус шаклда ўзи хақидаги маълумотларни ёки резюмени мос саҳифага биржага киритиши мумкин.

Интернетда анчагина иш биржалари мавжуд. Иш биржаларида маълумотлар категорияларга қараб ажратилади. Яъни мутаххассисликка мос иш жойлари келтирилади. Информацион технологияга оид , ишчи ёки бошқа вакансиялар рўйхат келтирилади. Ўзингизга мос ишни категорияларга қараб топиб олишингиз мумкин. Қуйида Баъзи иш биржалар рўйхатини келтирамиз.

[HTTP://job.com](http://job.com) Жуда бой ресурсларга эга бўлган иш биржаси.

[HTTP://careers.msn.com](http://careers.msn.com) Вакансиялар ва маслаҳатларга эга бўлган саҳифа.

Россия иш биржалари:

www.rabota.ru

www.job.ru


www.zarplata.ru

www.job.rambler.ru (4.23расм)

www.yandex.ru

www.joblist.ru

Уларда вакансиялар ва мутаххассислар хақида маълумотлар келтирилади. Иш топиш бўйича турли фойдали маслаҳатлар келтирилади.



www.baht.uz Ўзбекистон оммавий маълумотлар тўплами бўлиб, иш топиш бўйича маслаҳатлар mavjud. www.uzjobs.com Ўзбекистон иш биржаси.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши, хусусан, фан, таълим ва маданият ривожига турли соҳаларга оид зарур ахборотларни тезкорлик билан олиш имконияти долзарб аҳамият касб этмоқда. Кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, улар ишида замонавий ахборот технологияларини қўллаш бу жараёнда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Ахборот – кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ана шу мақсадга хизмат қилади. Мазкур қонун 2011 йил 14 апрелда матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Президентимиз Ислам Каримов тақлиф этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамиятини ривожлантириш концепсиясида қайд этилгандек, фуқораларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, уни тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарт ҳисобланади.


Ушбу мақсадларни ҳамда кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ устивор вазифаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун мамлакатимизда ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Интернет тармоғида ўқитиш учун мўлжалланган порталлар кейинги вақтларда кескин кўпайди. ZiyoNET портали бунинг яққол намунасидир.

ZiyoNET жамоат таълим тармоғи 2005 йил ҳукумат қарорларига мувофиқ ташкил топган. ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ҳамда таълим олувчиларнинг билим олиш жараёнида ахборот-коммуникация хизматларини тадбиқ этишдир.

ZiyoNET тармоғи Ресурс марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Таълим муассасаларини улаш мониторинги;
- Веб-технологиялар орқали ахборот ресурслардан кенг қамровда ва хавфсиз фойдаланиш;
- Ахборот-таълим ресурсларини бирлаштирадиган технологик майдончани тузиш ва ривожлантириш;
- Ёшларни, ўқитувчиларни таълим муассасалари ва таълим соҳасига боғлиқ ёки қизиққан бошқа ижтимоий қатламларни ўзаро бирлаштирадиган виртуал жамиятни яратиш.



Таълим ва ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларнинг Узнетда катнашиши мақсадида, ZiyoNET тармоғининг ресурс маркази томонидан таълим муассасалари ва ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар учун бепул хостинг хизмати тақдим этилади.

Ҳукумат қарорларига мувофиқ барча таълим муассасалари (уланиш объектлари) Ziyonet ягона ахборот-таълим тармоғида бирлашишлари, яъни Ziyonet тармоғига бирлашиш дастури доирасида интернетга уланишлари шарт.

Ҳозир юртимизда 11 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг хизматидан 6,3 миллиондан ортиқ китобхон ва ўқувчи фойдаланмоқда. Мавжуд 83,6 миллион адабиёт фонидан 3,5 миллион тасининг электрон шакли яратилган эса уларга янада кенгроқ шароит яратмоқда. Айниқса, барча ахборот-кутубхона марказларида Ziyonet тармоғига чиқиш имкониятини берувчи локал тизим ташкил этилгани ҳам ахборот-кутубхона фаолиятидан кенг фойдаланишга хизмат қилмоқда. Айни вақтда юртимиз таълим муассасаларидаги 1639 ахборот-ресурс марказида (91%) локал тармоқ мавжуд. Улардан 1380 таси Ziyonet тармоғига уланган.

Электрон кутубхоналарнинг қулайликлари кўп:

- Китобларни сақлаш учун махсус жойга зарурият йўқ;
- Нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имконияти мавжуд;
- Қидирув тизимларининг мавжудлиги;
- Маълумотларни аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яққол акс эттириш мумкин;
- Вақт тежалади.

Ziyonet портали ҳам фойдаланувчилар учун электрон кутубхона имкониятини тақдим этади- бунинг учун порталнинг “Кутубхона” бўлимига кирсангиз кифоя. Сўнгги маълумотларга кўра, порталимиз кутубхонасидан 7000 га яқин турли ҳажмдаги ва турли кўринишдаги илмий ахборот ресурслари жой олган.

Кутубхонада жамланган адабиётлар 9 та йирик гуруҳ тоифасида кўрилади. Ўз-ўзидан ҳар бир гуруҳ кичик бўлимларга ҳам бўлинади. Гуруҳлар қуйдагилар:

- математика ва табиий фанлар таълими;
- техника ва технологиялар йўналиши таълими;
- тиббиёт ва фармацевтика таълими;
- ижтимоий-гуманитар таълим;
- иқтисодиёт ва бошқарув йўналиши таълими;
- маданият ва санъат йўналиши таълими;
- юридик таълим;
- педагогик таълим;
- ҳарбий таълим.

ZiyoNET- миллий ахборот тармоғи ҳисобланиб, ўзида фан ва таълим соҳасига оид жуда кўплаб материалларни жамлаган. ZiyoNET кутубхонасидан фойдаланиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

- Интернет браузер манзиллар сатрига ziyonet.uz манзилини киритиш ва Enter тугмасини босиш;
- Браузерга юкланган web саҳифанинг Кутубхона бўлимини танлаш;
- Кутубхонадан бирор турдаги материални қараш учун келтирилган филтрлаш параметрларини ўрнатиш;
- Текширув рўйхатидан Барча материаллар бўлимини танлаш;
- Тиллар рўйхатидан Ўзбекча бўлимини танлаш;
- Файл тури рўйхатидан масалан Диссертация бўлимини танлаш;
- Шундан сўнг ОК тугмасини босиш;
- Натижада Кутубхона қидирув тизими сизнинг эътиборингизга диссертация ишлари рўйхатини тақдим этади;
- Диссертация ишини кўчириб олиш учун унинг сарлавҳасига сичқонча кўрсаткичи билан босиш;
- Пайдо бўлган саҳифадан Кўчириб олиш амалини босиш;
- Диссертация файлини сақлаш учун Сохранить тугмасини босиш;
- Хужжатларни сақлаш ойнасидан файлни сақлаш жойини кўрсатиш ва Сохранить тугмасини босиш.

Фойдаланувчи кутубхонага ахборот ресурс жойлаштириш тартиби.

Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 28 июндаги 167-сонли қарорига биноан Ziyonet жамоат таълим ахборот тармоғига жойлаштирилган ахборот ресурсларига қўйилган техник талаблар қуйдагилар:

1. Microsoft Word – (*rtf –шаклида) форматдаги маълумотлар учун:

- шрифти: Times New Roman
- усули оддий
- ўлчами 12
- ҳужжат чегараси: тепа қисми- 2 см, пастки қисми -2 см, чап қисми -3см, ўнг қисми – 1,5см;
- китоб шаклида;
- матннинг текислиги – чап тарафдан;

2. График маълумотларни тақдим қилиш шакли:

- фотосурат ўлчами 4х3 бўлиши зарур;
- фотосуратнинг ҳажми 100 dpi дан кам бўлмаслиги зарур;
- фотосуратнинг формати *jpg ёки jpeg;
- фотосуратнинг қоғоздаги шакли 9х15 см ва 21х30 см дан катта бўлмаслиги зарур;

3. Катта ҳажмдаги (2 МБ дан юқори) маълумотларни электрон ахборот ташиш воситаларида (3,5 диск, SD-R, CD-RW ёки USB Flash Drive) тақдим қилиш мумкин.

4. Маълумотлар қуйдаги тилларда қабул қилиниб, жойлаштирилади:

- давлат(ўзбек) тили – лотин ёзувида (кириллда);
- инглиз тилида;
- рус тилида – кирилл ёзувида.

Айталик, кутубхонага жойлаштиришни кўзлаган адабиётингиз юқоридаг талабларга жавоб беради. Демак, ресурсингиз жойлашган файлни *.zip ёки *.rar форматга келтирсангиз ва “Кутубхона”нинг “Ресурс қўшиш” бўлимига кирасиз. Бу бўлимда эътиборингизга анкета тақдим қилинади. Анкетада адабиётнинг номи, тури, йўналиши, аудиторияси, тили,

муаллифнинг исм-шарифи, касби ва бошқа маълумотлар сўралган. Барча бандларни тўлдириш ва адабиёт бўйича қисқа шарҳ ёзганингиздан сўнг “Қўшиш “ тугмасини босасиз. Шу тариқа иш якунига етади.Портал модераторлари томонидан тақдим этган ресурсингиз кўздан кечирилади ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда санокли дақиқалардан сўнг “Кутубхона” бўлиmidан жой олади.

Назорат саволлари:

8–маъруза

Янгиликлар сайтлари, оммавий ахборот сайтлари. MTRK.UZ, UZA.Uz.,
R.uz, Gazeta.uz

Режа:

1. Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари;

2. Транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш жадвали, авиа рейслар жадвали, темир йўл транспорти қатнови жадвали, банк хизмати маълумотлари;
3. Валюта курслари, Об-ҳаво маълумотлари, Янгиликлар;
4. Теледастурлар ва радиоэшиттиришлар дастури;
5. Иш ўринлари биржалари;
6. Спорт янгиликлари;
7. Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органларнинг веб сайтлари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.

Таянч атама ва иборалар: Интерактивлик, интерактив хизмат, ҳукумат портали, давлат бошқаруви, хўжалик юритувчи органлар, Банк хизмати.

Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз. Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви. Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан кўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади. Ҳозирги вақтда, Ҳукуматимиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта

этибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади. Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қуйидагилар киради:


Транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш жадвали. Республикадаги транспорт воситаларини ҳаракатларини ифодалаш жадвали бир нечта сайтларда берилган. Фойдаланувчи сайтдан ўзига мақул транспорт воситаларини қатнови жадваллари ҳақидаги маълумотларни топади. Қуйида ушбу веб саҳифаларни келтирилган:

<http://www.orexca.com> – сайёҳлар учун мўлжалланган веб саҳифа;

<http://www.tgpt.uz> – тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ҳақидаги веб саҳифа;

<http://www.goldenpages.uz/> - Ўзбекистон транспорт қатнови рейс жадваллари саҳифаси.

Авиа рейслар жадвали. Авиа рейслари бўйича маълумотлар жадвалини аниқлаш, улардан фойдаланиш учун <http://uzairways.com> - Ўзбекистон ҳаво йўллари авиа компания веб саҳифасига мурожат қилинади. Сайтда халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги авиа қатнов жадваллари келтирилган.



Темир йўл транспорти қатнови жадвали. Республика ички ва ташқи темир йўл қатновлари жадваллари ва улар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан топиш мумкин.

1. uzrailpass.uz - темир йўл транспорт қатнови жадвали.
2. www.roxanatour.com - Бу саёхлик фирмаси сайти бўлиб, бунда сиз халқаро ва Ўзбекистон ичидаги темир йўл қатновлари ва ҳаво йўллари қатнови жадваллари ва у ерда жойлашган меҳмонхоналар ҳақида маълумот ва буюртмалар мажмуаларини аниқлашингиз мумкин.

Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари. Ўзбекистондаги барча банклар ҳақидаги маълумотлар ва янгиликлар, кунлик валюта миқдорлари ҳақидаги маълумотларини қуйидаги сайтлардан олиш мумкин:

www.bank.uz ;

www.mikrokreditbank.uz;

www.agrobank.uz;

www.asakabank.com;

www.new.nbu.com;

www.uzpsb.uz;

www.infinbank.com;

www.xb.uz;

www.ipotekabank.uz;

www.csb.uz

Қуйидаги веб саҳифалардан Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни топиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали. <http://www.gov.uz>
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали. <http://www.aci.uz>



Назорат саволлари:

Тавсия этиладиган асосий адабиётлар рўйхати:

1. Холматов Т.Х., Тойлоқов Н.И., Назаров У.А., Информатика Ўзбекистон миллий Энциклопедияси Давлат миллий нашриёти 2003.
2. Холматов Т.Х., Тойлоқов Н.И., Назаров Замоновий компьютерлардан фойдаланиш сирлари. Қўлланма Маърифат мададкор нашриёти 2002 йил.
3. Арипов А., Қобилжонова, Юлдошев., Информатика. Информацион технологиялар, Тошкент - 2005 йил.
4. Холматов Т.Х., Тойлоқов Н.И., Назаров У.А., Интернет ва ундан фойдаланиш Ўзбекистон миллий Энциклопедияси Давлат миллий нашриёти – 2003.
5. Нурмухамедов Т. Компьютер саводхонлиги тўплами. IBM PC ва MS DOS билан танишув. Мехнат, Тошкент – 2000.
6. Симонович С.В. Общая информация. Учебное пособие. Москва – 2000.
7. Макарин Н.В. Информатика. Учебное пособие. Москва - 2000.
8. Сатторов А. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқитувчи - 2001.
9. Арипов А. Информатика асослари. Ўқитувчи – 2002.
10. М.Худойкулов. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Тошкент, ТошДУ 1999.
11. Марысаев В. Интернет и мультимедиа. Издательство: Терра - Книжный клуб. Москва. 2001
12. Рашидова Д. Интернет как источник журналистской информации. Издательство: Университет. Ташкент, 1999
13. В. Леонтьев. Большая энциклопедия компьютера и Интернета. Издательство: ОЛМА-ПРЕСС. Москва. 2005
14. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Иқтисодий информатика: Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассисликлари учун дарслик/

- С.С.Ғуломов, А.Т.Шермухамедов, Б.А.Бегалов; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.- Т.: "Ўзбекистон", 1999.- 528 б.
15. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик//Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқалар./; С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.-Т.: «Шарқ», 2000.- 592 б.
 16. Имамов Э.З., Фаттахов М. Ахборот технологиялари.- Т.: "Молия", 2002
 17. Тайлаков Н.И., Ахмедов А.Б. IBM PC компютери. Мустақил ўрганувчилар ва компютердан фойдаланувчилар учун. – Т.: "Ўзбекистон",2001. – 206 бет.
 18. Марахимов А.Р., Рахмонкулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари.Ўқув қўлланма.- Т.:Тошкент давлат техника университети нашриёти, 2001. – 176 бет.
 19. Қосимов С.С.,Обидов А.А.Компютер олами.– Т.: "Чўлпон", 2000. - 128б. Муаллифдош.
 20. А.Калиновский. Ваша домашняя страничка в Интернете. Издательство: БХВ-Петербург. Санкт-Петербург.2005
 21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги "Вазирлик ва унинг тизимидаги таълим муассасининг 2001 йилги фаолияти якунлари ва 2002 йилги дастурлар ҳақида"ги 2002 йил 31 январ ½-сонли ҳайъат қарори.(Олий таълим, меъёрий ҳужжатлар "Шарқ нашриёти" Тошкент - 2003)
 22. Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнларини тадбиқ этиш ва олий таълим муассасаларида дастурий маҳсулотлар яратиш ривожлантириш борасида таянч олий таълим муассасалари ТАТУ ва ЎзМУнинг тажрибалари ҳақида 24 февраль 2004 2/3 –сонли ҚАРОРИ (Олий таълим меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами Тошкент-2004 "Истиқлол" нашриёти)
 23. 23-24 сентябрда бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит якунлари ва вазирлик олдида турган

- вазифалари тўғрисидаги 2003йил 10 октябр 9/2 –сонли ҚАРОРИ (Олий таълим меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами Тошкент-2004 “Истиқлол” нашриёти)
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Истеъдод” жарғармасининг масофавий ўқитиш бўйича тўплаган тажрибаси тўғрисидаги 2003 24 декабрь 11/3-сонли ҚАРОРИ (Олий таълим меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами Тошкент-2004 “Истиқлол” –нашриёти)
 25. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 613-II сон Қонуни.
 26. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 611-II сон Қарори.
 27. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарори.
 28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришнинг янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги” 2002 йил 30 майдаги ПФ – 3080 сонли фармони.
 29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар” ПҚ – 1041 – сонли қарори.
 30. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устиворликларни амалга оширишга доир амалий чора тадбирларни таъминлаш тўғрисида” 2002 йил 6 июнь қарори.
 31. “2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2001 йил 23 май қарори. "Халқ сўзи" газетаси. 2001 йил 24 май сони.

32. "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 май Фармони. "Халқ сўзи" газетаси. 2002 йил 1 июнь 116 (2944) -сони.
33. "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнь қарори. "Халқ сўзи" газетаси. 2002 йил 8 июнь 121(2949) -сони.

Тавсия этиладиган қўшича адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов А., Тайлоқов Н. «Информатика». Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
2. Н. Норалиев ва бошқалар «Ўқитувчилар фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш» Т.:«ЎМКХТРИ» 2004
3. Абдуқодиров А. А., Ҳайитов А.Ғ, Шодиев Р.Р. «Ахборот технологиялари». Т. «Ўқитувчи». 2002.
4. Ғуломов С.С. ва бошқ. «Иқтисодий информатика». Т.: «Ўзбекистон», 1999.
5. Саттаров А. «Информатика ва ахборот технологиялари» Т. «Ўқитувчи» 2002.
6. Арипов М, Ҳайдаров А. «Информатика асослари». Т. «Ўқитувчи» 2002.
7. С.И. Раҳмонқулова «IBM PC шахсий компютерида ишлаш». „Шарқ“ НМК-С. ПРИНТ. Тошкент - 1998.
8. «Ахборот тизимлари ва технологиялари». ОЎЮ талабалари учун дарслик Муаллифлар: Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Т.: «Шарқ», 2000.

9. Абдуқодиров А.А., «Масофали ўқитишга оид атамалар изоҳли луғати», Истеъдод жамғармаси, 2005 йил.
10. Бройдо В.Л. Офис техникаси бошқариш ва иш юритиш. Мехнат, Тошкент – 2001.
11. Б.Паттон, Д.Франклин. Flash 4. Анимация в Интернете (+ CD-ROM). Издательство: Символ-Плюс. Санкт-Петербург. 2000
12. Дьяконов В.П. Internet. Настольная книга для пользователя. Изд. 2-е, перераб. и дополн. - М.: «Солон-Р», 2000. - 640 с.
13. Кулаков Ю.А., Омелянский С.В. Компьютерные сети. Выбор, установка, использование и администрирование/Кулаков Ю.А., Омелянский С.В. - К.: Юниор, 1999. - 544 с., ил.
14. Компьютерные сети. Учебный курс: Официальное пособие Microsoft для самостоятельной подготовки: Пер. с англ. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Издательско-торговый дом «Русская редакция», 1999. - 568 с.: ил.
15. Бордовский Г.А., Извозчиков В.А., Исаев Ю.В., Морозов В.В. Информатика в понятиях и терминах. М.: Просвещение, 1991. - 208 с.
16. Фигурнов В.Э. IBM PC для пользователя. Краткий курс. - М.: ИНФРА – М., 1999. - 480 с.: ил.
17. Стинсон К. Эффективная работа Windows-95. Перев. с англ. - СПб.: Питер, 1997. - 784 с.: ил.
18. Шафрин Ю. Основы компьютерной технологии. М., 1997. - 560 с.
19. Альтхоус М. Excel: секреты и советы. 1995
20. Хасемер и др. Текстовый редактор WORD для WINDOWS. 1995
21. Абрамов С.А., Зима Е.В. Начала информатики. - М.: Наука. Гл. ред. физ.-мат. лит., 1989. - 256 с.
22. Нишонбоев Т.Н. Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш. Тошкент, 2002, 112 б.
23. Кучаров А.С., Шакирова Г. Internet. Ташкент – 2001 г., 190 с.
24. Фигурнов В. Э. IBM PC для пользователя. Изд. 6-е, перераб. и доп. - М.: ИНФРА - М, 1995. - 432 с.: ил.

Мундарижа

№	Маъруза мавзулари	Бет
1.	Компьютер технологиялари. Ўзбекистонда ахборот – коммуникацион технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари	
2.	Операцион тизимлар. Windows XP, Vista ва Seven имкониятлари ва фарқлари	
3.	Microsoft Office 2003, 2007 ва 2010 кўриниши ва имкониятлари	
4.	Интернетга уланиш технологиялари. Интернетда ишлаш ҳуқуқий ва ахлоқий асослари	
5.	Интернетда ишлаш дастурлари ва маълумот кидириш усуллари	
6.	Таълим сайтлари ва уларда ишлаш. Масофавий таълим сайтлари	
7.	Электрон кутубхоналар ва уларда ишлаш усуллари. Ziyonet кутубхонаси	
8.	Янгиликлар сайтлари, оммавий ахборот сайтлари. MTRK.UZ, UZA.Uz., R.uz, Gazeta.uz	
9.	Тавсия этилаётган асосий адабиётлар рўйхати	
10	Тавсия этилаётган қўшимча адабиётлар рўйхати	